



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
“ТАСВИРИЙ ОЙИНА”  
ИЖОДИЙ УЮШМАСИ



**ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА  
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ –  
ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИМИЗ**

**ТАВСИЯЛАР**




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
“ТАСВИРИЙ ОЙИНА”  
ИЖОДИЙ УЮШМАСИ

# ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ – ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИМИЗ

2020 йил – Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни  
ривожлантириш йилида тасвирий воситалар орқали  
амалга ошириладиган маънавий-маърифий, тарғибот-  
ташвиқот ишларида қўлланиладиган иқтибослар,  
ҳикматли сўзлар, халқ мақоллари бўйича

ТАВСИЯЛАР

ТОШКЕНТ – 2020



УУК 323(575.1)  
КБК 66.3(5Ў)  
И 40

**Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт – порлоқ келажагимиз:**  
– Т.: “Zamin Nashr”, – 2020. 96 бет.

“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт – порлоқ келажагимиз” номли тавсиялар саҳифаларида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан, тантанали маросимлардаги нутқларидан, қарорларидан, байрам табрикларидан, асарларидан олинган фикрлар, илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш хусусидаги матнлар, донишмандларнинг ҳикматли сўзлари, ҳадислар, халқ мақоллари, шеърлар, она-Ватанни ҳимоя қилиш, мустақилликни мустаҳкамлаш, аёлларни улуғлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, кластер усули, ўзбек тили, миллатлараро бағрикенглик ва миллий қадриятларимизни эъзозлашга ундовчи шиорлар ҳамда юртимизнинг ижтимоий тараққиёти билан боғлиқ долзарб мавзулардаги кайд ва матнлар жамланган.

Тавсиялардан турли байрам тадбирлари ўтадиган жойлар, “Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла”ларни безаш, марказий кўчалар, хиёбонлар, бозорлар, бекатлар ҳамда одамлар гавжум бўладиган, оммавий тадбирлар ўтказиладиган манзилларга ўрнатиладиган баннерлар, плакатлар ва турли тасвирий-тарғибот воситаларини, маънавий-маърифий тадбирларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тавсиялардан вазирликлар, давлат кўмиталари, агентликлар, уюшмалар, бирлашмалар, банклар, компаниялар, марказий муассасалар, маҳалла, таълим муассасалари ва жамоат ташкилотлари маънавий-маърифий, ташқи тасвирий-тарғибот воситаларини тайёрлашда кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Бош муҳаррир –  
нашр учун масъул  
Тақризчи  
Нашрга  
тайёрловчи

**Исфандиёр ЛАТИПОВ**  
**Муҳаммаджон ҚУРОНОВ**  
**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ**

Тахрир хайъати:

**Абдусайд КЎЧИМОВ, Ўткир РАҲМАТОВ,**  
**Сирожиддин САЙДОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ,**  
**Минхожиддин ХОЖИМАТОВ,**  
**Дилноза КАТТАХАНОВА**

ISBN 978-9943-5894-1-4

## ИНСОНИЯТ ОЛИЖАНОБ ҒОЯЛАР БИЛАН ЯШАЙДИ

Мустақиллик йиллари юртимизда ҳар қайси йилга аниқ бир ном бериб, шу асосда махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш яхши анъанага айланди.

- 1996 йил – Амир Темур йили.
- 1997 йил – Инсон манфаатлари йили.
- 1998 йил – Оила йили.
- 1999 йил – Аёллар йили.
- 2000 йил – Соғлом авлод йили.
- 2001 йил – Оналар ва болалар йили.
- 2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили.
- 2003 йил – Обод маҳалла йили.
- 2004 йил – Меҳр ва мурувват йили.
- 2005 йил – Сихат-саломатлик йили.
- 2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили.
- 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили.
- 2008 йил – Ёшлар йили.
- 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили.
- 2010 йил – Баркамол авлод йили.
- 2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили.
- 2012 йил – Мустаҳкам оила йили.
- 2013 йил – Обод турмуш йили.
- 2014 йил – Соғлом бола йили.
- 2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили.
- 2016 йил – Соғлом она ва бола йили.
- 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили.
- 2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили.
- 2019 йил – Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили.
- 2020 йил – Илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш йили.

***Бизнинг бош мақсадимиз – янги  
Ўзбекистонни барпо этишдир.***

***Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти***

***Эл учун тер тўкса агар одамзод,  
Бир умр эл ичра номи бўлар ёд.  
Қуёшга бир қара, доим хизматда,  
Шунинг-чун катта-ю кичик ундан шод.***

## ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ВОСИТА

Маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунё-қарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, мустақиллик ва халқимизга муҳаббат, садоқат туйғуларини тарбиялашда тасвирий-тарғибот воситаларининг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

2019 йил – “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да тўғридан-тўғри инвестициялар 4.2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3.7 бараварга ўсди. Уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди. Дунёдаги нуфузли нашрлардан бири – “Экономист” журнали Ўзбекистонни 2019 йилда ислохотларни энг жадал амалга оширган давлат – “Йил мамлакати” деб эътироф этди. Бу баҳо албатта барчамизга чексиз ғурур, ифтихор ва куч бағишлайди.

“Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ҳам “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган асосий тамойилни тўлиқ амалга ошириш борасида белгиланган вазифаларни кенг тарғиб этган ҳолда ўтган йили “Тараққиёт йўлимизнинг шиддати ошаверади” деб номланган тавсиялар қўлланмасини 30 минг нусхада чоп этди ва жойларга тарқатди. Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан, асарларидан, маъруза ва нутқларидан иқтибослар олган ҳолда фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш хусусидаги ғоялар ифодаси кенг ўрин олди, она-Ватанни ҳимоя қилиш, мустақилликни мустаҳкамлаш, аёлларни улуғлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, кластер усули, ўзбек тили, диний ва миллатлараро бағрикенглик, миллий кадриятларимизни эъзозлашга ундовчи шиорлар, матнлар, қайдлар, ҳадислар, халқ мақоллари, алломаларимизнинг ҳикматли сўзлари жамланди. Тавсиялар жойларга тарқатилиб кенг тасвирий-тарғибот ишларини бажаришда, умумхалқ байрамлари ва тадбирларни безашда унумли фойдаланилади.

“Ватан ҳимоячилари куни”, “Наврўз”, Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги ҳамда шу байрамга бағишланган “Энг улуғ ва энг

азиз” кўрик-танловини ўтказиш ва Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси куни билан боғлиқ тадбирлар ўтадиган жойларни тавсиялар асосида безаш ишлари юқори савияда амалга оширилди.

Эл-юрт равнақи йўлида ҳалол хизмат қилган (овул, қишлоқ, туман, шаҳар ва вилоятларда) самарали меҳнати, фидойилиги, ватанпарварлиги, изланувчанлиги ва ташаббускорлиги билан ёшларга ўрناк бўлаётган, давлатимиз унвонлари, орден ва медаллари билан мукофотланган замондошларимиз – деҳқону боғбонлар, тадбирқору фермерлар фотосуратлари тасвирий воситаларнинг таъсирчанлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Таъбир жоиз бўлса, кўргазмали воситалар (шиор, баннер, плакат, фотосурат ва ҳ.к.) кечаю кундуз, ёзу киш тинчлик ва осойишталик, бунёдкорлик, байналмилал, диний бағрикенгликнинг мазмун-моҳиятини бир нечта тилларда аҳолига етказиш йўлида хизмат қилмоқда. Барчага тушунарли бўлган тарғиботлар ҳар куни миллионлаб кишиларга ғоя ва фикр улашмоқда.

Кўргазмали тарғибот-ташвиқот ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ҳамкасбларимиз меҳнатларини алоҳида эътироф этган ҳолда, уларни 2020 йилда янада масъулият билан изланиб ишлашга чақирамиз.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туман бўлимларимиз раҳбарлари дизайнларни тайёрлашда ижтимоий тасвирий-тарғибот воситаларини йилнинг асосий вазифалари моҳиятини чуқур англаган ҳолда амалга оширишлари керак. Илм ва маърифат, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга ундовчи замондош қаҳрамонлар фотосуратлари, инвестиция киритилиши натижасида эришилаётган ютуқлар, иқтисодий ўсиш суръатлари орқали халқимизнинг ижтимоий турмушидаги ижобий ўзгаришларни мазмунли, тарғибот-ташвиқот воситаларида ёзувлар саводли ва беҳато бўлишини таъминлаш ва одамлар гавжум жойларга жойлаштириш муҳим вазифадир.

2020 йил – “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилинди. Ижодий уюшмамиз 2020 йилда кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришда

фойдаланиш учун “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт – порлоқ келажагимиз” номли тавсиялар қўлланмасини сизларга тақдим этмоқда.

Шу ўринда рақамли технологиялар ҳақида қисқача тушунтириб ўтиш жоиз. Янги технологиялар ахборотлашган жамиятнинг туғилиш белгиси деб қабул қилинган. IT Park рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга ўтишда кадрлар тайёрлашга хизмат қилади. У компьютерлар ва ахборот-коммуникация технологиялари билимларига асосланган ҳолда жамият ва иқтисодиётни янги турини барпо этиб, ҳаётимизда туб бурилиш йили бўлишига замин яратади.

Рақамли иқтисодиёт ҳақида сўз борар экан, олимларимиз ахборотлашган жамиятга таъриф беришни зарур деб билишади. Унда жамиятда фаолият юритаётган кишиларнинг кўпчилик қисми ахборотни, айниқса, унинг энг олий шакли бўлган билимларни ўрганиш, тўplash, ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш билан банд бўлган жамиятга айтилишини тасвирларда етказиш, тавсиялардаги Давлатимиз раҳбари иқтибосларини кенг халқ оммаси ва ёшларга етказишни асосий вазифа деб билиб, масъулият билан ижодий ёндашиш ва тарғиб этиш зарур.

Мазкур қўлланма сизга юқоридаги вазифаларни масъулият билан бажаришда муҳим тавсиялар беради. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳар бўлим раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойна” ижодий уюшмасининг 2020 йил белгилаган иш режаларидан келиб чиқиб қуйидаги тадбирларга алоҳида эътибор беришлари лозим:

2020 йил – “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”га хос ғояларни, Давлат дастурида белгиланган вазифаларни тарғиб қилишнинг энг яхши шакллари ва кўргазмали безаш бўйича жойларда тасвирий-тарғибот ишларини кенг ташкил этиб, “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт – порлоқ келажагимиз” мавзусидаги ижодий изланишларни масъулият билан, юксак даражада дизайн ва безаш ишларини ижро этиб, амалга ошириш талаб этилади.



Жорий йилда “Наврўз”, “Мустақиллик”, “Ўзбек тили байрами куни”, “Конституция байрами”, “Мақом” халқаро фестивали, Абу Мансур Мотуридийнинг 1150 йиллиги, Абу Насафий, Баҳоуддин Нақшбандийнинг 700 йиллиги, Мир Араб мадрасасининг 500 йиллиги, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллиги, Камолиддин Бехзоднинг 565 йиллиги тадбирларини юқори савияда безаш ишларини амалга ошириш йўлида Президентимиз таъбири билан айтганда, барчамиз бир тану бир жон, якдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳалол пок бўлиб, яхши ният билан ҳар қандай марраларни эгаллашга, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодирмиз. Шунда ватан равнақи, халқимиз тинчлиги, юртимиз ободлиги, элимиз бахту саодати йўлида олиб бораётган эзгу ишларимиз ҳеч қачон завоЛ билмайди.

Ҳаракатлар стратегияси асосида олиб борилаётган сиёсат ва ислохотлар тасвирий-тарғибот воситаларида турли тасвир ва рангларда замондош қахрамонлар сиймоси билан кенг тараннум этишни ўз ҳаётининг маъно-мазмунни деб билган ҳолда доимо изланишдаги сиз азиз ҳамкасбларимиз меҳнати нечоғли масъулиятли, машаққатли ва шарафли экани барчага маълум. “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси, Бадий кенгаши ўлмас ғояларни, бунёдкорлик ишларининг замондош қахрамонлари сиймосини маҳорат билан дизайнлар тайёрлаб ижод этса, ҳеч шубҳасиз, тасвирий-тарғибот воситаси халқимизнинг маънавий юксалишига хизмат қилиб, ўзининг ижтимоий вазифасини тўлиқ адо этишга эришади.

**Исфандиёр ЛАТИПОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойна”**  
**ижодий уюшмаси бошқаруви раиси**

**2020 йил – “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни  
ривожлантириш йили”**

**КЕЛАЖАГИ БУЮК ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРЧАМИЗ  
БИРГАЛИҚДА БАРПО ЭТАМИЗ**

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ-нинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидан олинган матнлар).*

**Халқимиз шуни яхши билиши керак:  
олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди.  
Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак,  
ишимизни мукамал ва унумли бажарсак,  
замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни  
аямасдан олдинга интилсак, албатта,  
хаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Юртимиздаги ислохотлар ва ўзгаришлар жараёни ортга қайт-майдиган тус олиб, ҳал қилувчи паллага кирмоқда.

\*\*\*

Барча амаллар ниятга қараб бўлади.

\*\*\*

Пок ниятлар билан бошланган хайрли ишлар, албатта, ижобат бўлади.

\*\*\*

Биз – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан қўрқ-майдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли, буюк халқимиз.

\*\*\*

Демократик ислохотлар йўли – биз учун яккаю ягона ва энг тўғри йўлдир.

\*\*\*

Янги парламент ва ҳукуматнинг келгуси 5 йилдаги фаолиятининг пировард мақсади – Ўзбекистонда яшаётган кўпмиллатли халқимиз ҳаётини юксалтиришдан иборат бўлиши шарт.

Жорий йилда – рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича туб бурилиш қилишимиз керак.

\*\*\*

Аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бош вазифаларимиздан биридир.

\*\*\*

Жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантира оламиз.

\*\*\*

Иқтисодий юксалишни таъминлаш учун барча қулайликларга эга бўлган замонавий инфратузилма барпо этиш зарур.

\*\*\*

Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларни эгаллашимиз зарур ва шарт.

\*\*\*

Рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологиялари – юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради.

\*\*\*

Банк соҳасида рақамли технологияларни қўллаш тизимни ривожлантиришда жуда муҳимдир.

\*\*\*

Рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан биридир.

\*\*\*

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, балки ортиқча харажатларни камайтиради.

\*\*\*

Коррупция балосини йўқотишда рақамли иқтисодиёт самарали воситадир.

\*\*\*

Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада рақамли технологияларни кенг жорий этиш натижадорликни ошириб, одамлар турмушини кескин яхшилайти.

\*\*\*

Халқимиз билими ва савиясини ошириш учун, аввало, илм-маърифат, юксак маънавият керак.

Замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак.

\*\*\*

Илм йўқ жойда колоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.

\*\*\*

Шарқ донишмандлари айтганидек, “энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта кашшоқлик – бу билимсизликдир!”.

\*\*\*

Таълимнинг барча босқичларида халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган ахборот технологиялари жорий этилиши шар.

\*\*\*

Бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш зарур.

\*\*\*

Истеъмол бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлашнинг ягона йўли – мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш ҳамда “даладан дўконгача” бўлган узлуксиз занжирни яратишдир.

\*\*\*

Ислоҳотларимизга жиддий тўсқинлик қилаётган “яширин иқтисодиёт”га барҳам берилмас экан, соғлом рақобат ҳам, қулай инвестиция муҳити ҳам шаклланмайди.

\*\*\*

Макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш – иқтисодий ислоҳотлар жараёнидаги бош вазифамиздир.

\*\*\*

Асосий эътибор нархларни белгилашга эмас, балки корхоналар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш орқали нархларни пасайтиришга ва сифатини оширишга қаратилиши керак.

\*\*\*

Инвестиция жалб этишнинг самарали воситаларидан бири бўлган давлат-хусусий шерикчилик механизмларини транспорт, энергетика, йўл, коммунал, тиббиёт, таълим каби соҳаларга татбиқ этиш керак.

Иқтисодиётни юкори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш зарур.

\*\*\*

Жамият – ислохотлар ташаббускори.

\*\*\*

Барча даражадаги раҳбарлар эришилган дастлабки ижобий кўрсаткичларга маҳлиё бўлиб, хотиржамликка асло берилмаслиги керак.

\*\*\*

Бугун халқимизнинг тафаккури ҳам, дунёқараши ҳам, талаб ва эҳтиёжи ҳам бутунлай ўзгарган, халқимиз ҳаммадан зийрак ва улуғдир.

\*\*\*

Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак.

\*\*\*

Ҳар бир депутат ўз ҳудудидаги аҳоли муаммоларини ечишда фаол иштирок этиши, одамларнинг дарду ташвишларини тинглаши керак.

\*\*\*

Ташаббускор ислохотчи, стратегик фикр юритадиган билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялаш муҳим вазифамиздир.

\*\*\*

Мақсадимиз – илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасидаги бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтаришдир.

\*\*\*

Педагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган, ўз ишида аниқ натижаларга эришган ўқитувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

\*\*\*

Мактаб ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув юкламалари ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш зарур.

Илмли бўламан деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратишимиз шарт.

\*\*\*

Илм-фан соҳасида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизмини тубдан қайта кўриб чиқиш керак.

\*\*\*

Ҳар бир олий таълим ва илмий тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши шарт.

\*\*\*

Жорий йилда математика, кимё-биология, геология йўналишларида фундаментал ва амалий тадқиқотларни фаоллаштиришга, олимларга барча шарт-шароитлар яратиб берилади.

\*\*\*

Ҳозирги вақтда қурилиш соҳаси – иқтисодиётнинг муҳим “драйвер”ларидан бирига айланди.

\*\*\*

Банк тизимида тадбиркорларни қўллаб-қувватлайдиган “лойиҳалар фабрикаси” фаолиятини йўлга қўйишимиз лозим.

\*\*\*

Банкларимиз халқаро молия бозорларига чиқиб, арзон ва узок муддатли ресурслар олиб келиши зарур.

\*\*\*

Банк соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади – тижорат банкларини мижоз учун ишлашга ўргатишдан иборат.

\*\*\*

Банкларда ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш орқали уларнинг дастурий таъминотини тубдан янгилаш лозим.

\*\*\*

Аҳолида банк тизимига нисбатан ишонччи шакллантириш ва банklar фаолиятига четдан аралаштиришга чек қўйиш керак.

\*\*\*

Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш – барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гаровидир.

Хорижий тажрибадан келиб чиқиб, божхона постларида назоратни амалга оширадиган божхона, санитария, карантин, ветеринария ва бошқа идоралар фаолиятини ислоҳ қилиш муҳимдир.

\*\*\*

Транспорт логистика соҳасини ривожлантириш маҳсулотларимизни ички ва ташқи бозорларга етказиш, уларнинг таннархини туширишга хизмат қилади.

\*\*\*

Аҳоли даромадларини ошириш, кўшимча иш ўринларини яратиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун бизга янги-янги бозорлар керак.

\*\*\*

Жаҳон ишлаб чиқариш тизимига, дунё бозор талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлишимиз керак.

\*\*\*

Саноат тармоқларини узлуксиз хомашё ва замонавий инфратузилма билан таъминлаш зарур.

\*\*\*

Бизнес муҳитини янада яхшилаш – биз учун энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолади.

\*\*\*

Лицензиялаш ва рухсатномалар бериш тартибларини жиддий ўзгартириш тадбиркорлик фаолияти ривожланиш омилидир.

\*\*\*

Иқтисодиётимиз ривожини, аҳоли бандлиги ва даромадларини ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири бўлган қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш зарур.

\*\*\*

Қишлоқ хўжалигига бозор механизмларини кенг жорий этиб, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлиги оширилгандагина биз кутган ўзгаришлар бўлади.

\*\*\*

Пахта ва ғалла етиштиришга давлат буюртмасини бекор қилиб, ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимига ўтиш зарур.

Мева-сабзавот, шолчилик, чорвачилик, ипакчилик каби тармоқларда кластерларни ташкил этишни давом эттириш муҳим вазифамиздир.

\*\*\*

Туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш устувор вазифа бўлиб қолади.

\*\*\*

Ҳукумат олдидаги энг муҳим вазифалардан бири юртимизга келадиган туристлар сонини етти ярим миллионга етказишдир.

\*\*\*

Катта салоҳиятга эга бўлган зиёрат ва тиббиёт туризмни жадал ривожлантириш зарур.

\*\*\*

Урбанизация жараёнларини жадаллаштирган ҳолда, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш керак.

\*\*\*

Ватан ичра ҳар бир инсон ўзининг “кичик ватани”га – уй-жойига эга бўлса, биздан халқимиз ҳам, Яратган ҳам рози бўлади.

\*\*\*

“Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” тамойили асосида халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ижтимоий ислохотлар давом эттирилаверади.

\*\*\*

Ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарур.

\*\*\*

Янги иш ўринларини яратадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, таъбир жоиз бўлса, уларни елкамизда кўтаришимиз керак.

\*\*\*

Ҳар бир тармоқ, соҳа, вилоят ва туманда яратилган тадбиркорлик субъектлари ва янги иш ўринлари ана шу тузилмалар раҳбарлари фаолиятини баҳолашда энг асосий мезон бўлади.

\*\*\*



Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган фарзандларимиз уларнинг ғамхўри, меҳрибони, ортидаги суянчи давлат ва жамият эканини доимо қалбдан ҳис қилиб туриши шарт.

\*\*\*

Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ислохотларимизни ҳам қатъият билан давом эттирамиз.

\*\*\*

Давлат-хусусий шериклик асосида, хусусий тиббиётни янада ривожлантириш, ихтисослашган тиббиёт марказларига хорижий инвесторларни жалб этиш муҳим вазифамиздир.

\*\*\*

Бу йил хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтарамиз.

\*\*\*

Ўз болангизни, ўз уйингизни, ўз ватанингизни кўз қорачиғидек асранг.

\*\*\*

“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғояси асосида ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлокий фазилатларни шакллантириш – ўта шарафли вазифадир.

\*\*\*

Жамиятимизда аҳоли, айниқса, ёш йигит-қизларимизнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш – биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

\*\*\*

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш керак.

\*\*\*

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни кучайтиришимиз керак.

\*\*\*

Маданият ва санъат муассасаларига алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш муҳим вазифадир.

Биз жади́дчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак.

\*\*\*

Маърифатпарвар боболаримизнинг маънавий хазинасини қанча кўп ўргансак, қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади.

\*\*\*

Ҳар томонлама мукамал ва самарали бошқарув тизимини яратиш – олдимизда турган улкан вазифаларни бажаришнинг асосий шартидир.

\*\*\*

Жойларда ижро ва вакиллик органларининг давлат бошқарувидаги роли ва масъулиятини янада ошириш зарур.

\*\*\*

Бугунги кунда ислохотларимиз самараси тўртта муҳим омилга – яъни қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқдир.

\*\*\*

Суд остонасига қадам кўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак.

\*\*\*

Буюк немис файласуфи Иммануил Кант айтганидек, “Адолат йўқолган пайтда, ҳаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа ҳеч нарса қолмайди”.

\*\*\*

Ўзбекистонда судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлиши лозим.


\*\*\*

Суд мустақиллигини таъминлаш энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

\*\*\*

Судьяларимизнинг адолатни ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида оқлов ҳукмларини чиқараётгани суд-ҳуқуқ соҳасидаги энг катта ютуғимиздир.

\*\*\*



Жамиятимиздаги коррупция илллати, унинг турли кўринишлари тараққиётимизга ғов бўлмоқда.

\*\*\*

Коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак.

\*\*\*

Коррупция балосининг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди.

\*\*\*

Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга кўйган юксак марраларга эриша олмаймиз.

\*\*\*

Фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида навбатдаги муҳим қадам кўйиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

\*\*\*

Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини, узок муддатли ва кўп қиррали шерикликни янада кучайтирамиз.

\*\*\*

Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни мазмун ва сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишимиз зарур.

\*\*\*

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти билан муносабатларни ривожлантириш – Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолади.

\*\*\*

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида фаолиятимиз самарасини янада оширишимиз зарур.

\*\*\*

Натижадорлик – ҳаммамиз учун бош талаб, асосий мезонга айланмоқда.

Амалий натижа билан мустаҳкамланган, ўз меваси, ҳосилини бераётган ислоҳот одамларнинг қалбига, юрагига тез кириб боради.

\*\*\*

Мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг шиддатли жараёнини ҳеч ким, ҳеч қандай куч тўхтата олмайди.

\*\*\*

Ислоҳотларимиз самарасини ҳар бир инсон, ҳар бир оила ўз ҳаётида ҳис этиши керак.

\*\*\*

Биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқимиз.

\*\*\*

Одамларимиз етарли даромад топиши учун энг қулай бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириб, янги-янги корхоналар ва иш жойларини кўпайтиришимиз зарур.

\*\*\*

Энди кечаги ютуқ ва марралар, бизни сира қониқтирмайди. Нега деганда, бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.

\*\*\*

Жойлардаги муаммо ва камчиликларни рўй-рост очиб бериш, уларни ҳаққоний ёритишларида мен профессионал журналистларни ҳамиша ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрман.

\*\*\*

Камбағалликни камайтириш халқимиз ҳаёт даражасини оширишнинг энг мақбул йўлидир.

\*\*\*

Камбағалликни камайтириш – бу алоҳида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир.

\*\*\*

Ўз Ватанини, она халқини равақ топтириш учун ўзини аямасдан меҳнат қилиш: бу – жасорат ва мардлик, бу – она юртга муҳаббат ва садоқат, бу – тўғри тарбия ва амалий намуна демакдир.

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ НИМА?

Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт соҳасида Япония, Англия, Германия ва Скандинавия давлатлари (Норвегия, Швеция, Дания, Финляндия) рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида яхши натижаларга эришмоқда. Рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши АҚШда 10,9 фоиз, Хитойда 10 фоиз, Ҳиндистонда 5,5 фоизни ташкил этмоқда. Бу йўналишда Ўрта Осиё давлатларидан Қозоғистон ва Ўзбекистон етакчилик қилмоқда.

Рақамли иқтисодиёт – бу жамият неъматларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида электрон ҳамда ахборот-коммуникацион технологияларини кенг жорий этишни кўзда тутадиган инсоннинг хўжалик фаолиятини тадқиқ этувчи фандир. Рақамли иқтисодиёт атамаси икки хил турли тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади. Биринчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ривожланишнинг замонавий босқичи ҳисобланиб, у ижодий меҳнат ва ахборот неъматларининг устувор ўрни билан тавсифланади. Иккинчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ўзига хос назария бўлиб, унинг ўрганиш объекти ахборотлашган жамият ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт назарияси ўз ривожланишининг бошланғич давридадир, чунки цивилизациянинг рақамли ахборот босқичига ўтганига йигирма йилдан ошди, холос.

Янги технологиялар ахборотлашган жамиятнинг туғилиш белгиси деб қабул қилинади.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш – компьютерлар ва билимларга асосланган ҳолда жамият ва иқтисодиёт фаолиятини янги турини барпо этишдир;

Юқорида кўрсатиб ўтилган технологиялар биргаликда “ақлли” объект ва жараёнларни (ақлли давлат, ақлли уй, ақлли шаҳар, соғлиқни сақлаш, транспорт ва тадбиркорлик) яратишга имкон беради.

**Рақамли иқтисод** – хўжалик юретишнинг замонавий шакли бўлиб, у ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг асосий фактори сифатида рақамли кўринишдаги катта маълумотлар мажмуи ва уларни қайта ишлаш жараёнига хизмат қилади. Олинган натижаларни амалиётда ишлатиш эса анъанавий хўжалик юретиш

шаклларига нисбатан анча катта самарадорликка эришишга имкон беради. Мисол сифатида турли хилдаги автоматик ишлаб чиқариш жараёнларини, 3D-технологиясини, булутли технологияларни, масофавий тиббиёт хизматлари кўрсатишни, ақлли технологиялар ёрдамида маҳсулот етиштириш ва уни етказиб беришни, турли хилдаги товарларни сақлаш ва уларни сотиш жараёнларини келтириш мумкин.

### **Рақамли иқтисодиёт нималарда намоён бўлади?**

Бу янги кадрлар ва янги иш жойлари.

Бу янги корпоратив маданият.

Бу янги бошқарув ва назорат усуллари.

Бу катта маълумотлар базалари (биг дата) ва аниқлик.

Бу сунъий интеллект ва интеллектуал бошқарув тизимлари.

Бу таълим, ишлаб чиқариш ва бошқарувдаги виртуализация жараёнлари.

Бу буюмлар интернетини ва масофавий таълим (МООС).

Бу блокчейн ва у орқали юритиладиган турли-туман жараёнлар.

Бу майнинг жараёни ҳамда мустақил бизнес юритиш имконияти.

Бу янги пул-кредит тизими ва рақамли банклар фаолияти.

Бу катта инвестициялар жалб қилиш имконини берадиган ICO (Initial coin offering) жараёни.

Бу криптовалюталар ва бошқа жуда катта имкониятлардир.

### **Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда молия-кредит ва банк соҳаси учун муҳим атамалар таърифи:**

**1. Криптовалюта нима?** Криптовалюта – маълум бир махфий кодлаштириш тизимида асосланиб чиқарилган рақамли электрон валюта туридир.

Янги рақамли иқтисодиётда бир қанча турдаги молиявий активлар бўлиб, улар жумласига криптовалюталар ҳам киради. Ҳозирги пайтда турли хил компаниялар томонидан ишлаб чиқилган мингдан ортиқ криптовалюталар мавжуд ва уларнинг ҳар бири криптоиқтисодиёт соҳасида бир қанча муҳим функцияларни бажарадилар.

**2. Майнинг** – бу компьютер тизимларининг ҳисоблаш қувватларини криптовалютанинг транзакциялари занжирини

ҳосил қилиш учун ишлатилиш жараёнидир. Криптовалюталарнинг эмиссияси худди шу майнинг (криптовалюта тангаларини кидириб топиш, қўлга киритиш) тамойили асосида амалга оширилади.

*Майнерлар* – бир вақтнинг ўзида янги криптопулларни топадилар ва криптовалютанинг барча мумкин бўлган турлардаги транзакцияларини амалга оширадидилар.

**3. Криптовалюта биржалари нима?** Жорий биржа курслари бўйича оддий пулга криптовалюта ёки криптовалютага оддий пулни алмаштириш мумкин бўлган ташкилотларга криптовалюта биржалари деб аталади.

**4. Блокчейн нима?** Блокчейн маълумотлар блокларининг узлуксиз занжири, яъни бир бутун маълумотлар базаси бўлиб, унда криптовалюталар билан амалга оширилган барча маълумотлар сақланади. Уни ким, қачон ва қанча операциялар амалга оширганини кўрсатиб турадиган катта ҳисоб-китоб журнали деб тасаввур қилиш ҳам мумкин.

*Блокчейн* – рақамли криптовалюталар ҳақидаги маълумотларни сақлаш учун фойдаланиладиган компьютер тармоқлариаро тақсимланган реестр, яъни, бир-бири билан интернет орқали боғланган кўплаб компьютерларда бир вақтнинг ўзида сақланувчи тақсимланган маълумотлар базаси.

**5. Смарт-контракт** – блокчейн технологияси асосида ақлли контрактлар тузиш ва уни бардавом этишга мўлжалланган компьютер дастури.

**6. Криптовалюта алмашинув пунктлари нима?** Криптовалюталарни оддий пулларга алмаштириш имконини берадиган шохобчалар криптовалюта алмашинув пунктлари деб аталади.

**7. Блокчейн ва унинг иқтисодиётда ишлатилиш имкониятлари?** – Блокчейн технологиясининг иқтисодиётнинг барча соҳаларида ишлатилиши турли хилдаги амалларни ва пул ўтказмаларини барча учун кўринарли ва шаффоф ҳолга келтиради ва ўз навбатида бу яширин иқтисодиёт ҳамда коррупциянинг олдини олишга имкон беради.

## ХАЛҚ ВА АРМИЯ – БИР ТАНУ БИР ЖОНДИР

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат МИРЗИЁЕВнинг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги” ва бошқа маърузаларидан олинган матнлар).*

Ўзбекистон Қуролли Кучлари Ватанисиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч, эркин ва фаровон ҳаётининг мустаҳкам кафолатидир.

\*\*\*

Қудратли армиямиз бор экан, ҳеч қандай ёвуз куч Ўзбекистон мустақиллигига, тинч ва осуда ҳаётимизга раҳна сололмайди.

\*\*\*

Миллий армиямиз ҳар қандай хавф-хатарга муносиб зарба бера оладиган қудратли, тезкор ва самарали кучга эга.

\*\*\*

Жанговар постида доимо хушёр ва сергак туриб, юртимиз сарҳадларини кўз қорачиғидек асраб келаётган мард ва жасур ўғлонларимизни шарафлаймиз.

\*\*\*

Ботир ва жонқуяр фарзандларни тарбиялаб вояга етказган фидойи ота-оналарга миннатдорчилик билдирамиз.

\*\*\*

Армиянинг куч-қудрати – ҳарбий хизматчилар билан бутун жамиятимизнинг бирлиги ва ҳамжихатлигидадир.

\*\*\*

Қўшни давлатлар билан ҳарбий ҳамкорлигимиз минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни, Марказий Осиё деб аталмиш умумий уйимизда тинчлик ва осойишталигимизни таъминлашнинг муҳим омилidir.

\*\*\*

Ҳарбийларимиз ўзларининг профессионал тайёргарлик даражаси бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлар армияларининг ҳарбий хизматчиларидан асло қолишмаслигини амалда исботламоқда.

\*\*\*



Ҳарбийларимиз халқаро ҳарбий ўқув мусобақаларида, армиялар ўртасидаги спорт беллашувларида маҳорати, руҳан бақувватлилиги, ғалабага бўлган иродасини намоён этмоқда.

\*\*\*

Қуролли Кучларимиз қудрати ошаётганлиги Ўзбекистон халқида, айниқса, ёшларимизда миллий армиямиз билан фахрланиш туйғусини, Ватан ҳимоячисидек шарафли касбга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини уйғотмоқда.

\*\*\*

Халқ ва армия – бир тану бир жондир.

\*\*\*

Ҳарбий-маъмурий секторлар халқ ва армия ўртасида ишончли кўприқдир.

\*\*\*

Армиямиз ёш авлодни ватанпарварлик ва она юртга муҳаббат, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат, шонли тарихимизни чуқур билиш руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда.

\*\*\*

Жаҳонда халқаро терроризм ва экстремизм хавфи ортиб бораётгани Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлиги ва салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўришни талаб этмоқда.

\*\*\*

Қуролли Кучларни энг янги қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, мамлакатимиз муҳофаа-саноат комплексини ривожлантириш муҳим вазифамиздир.

\*\*\*

Малакали ҳарбий кадрлар тайёрлаш, ўқув-тарбия жараёнларига илғор хорижий тажрибаларни, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш муҳимдир.

\*\*\*

Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ҳамда Қуролли Кучлар фахрийларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятли вазифадир.

\*\*\*

Ҳарбий хизматчиларга – аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Куролли Кучларимиз фахрийларига Ватанимизга сидкидилдан хизмат қилишдек шарафли вазифани адо этишда мустаҳкам соғлик, улкан муваффақиятлар ёр бўлсин.

\*\*\*

Иккинчи жаҳон урушида ўз ҳаёти эвазига дунё халқларининг озодлиги ва эркинлигини сақлаб қолишга эришган ғолиб аждодларимизга юксак ҳурмат ва эътибор кўрсатиш муҳим вазифамиздир.

## ОЛАМДА АЁЛ МАДҲИГА ДОСТОН ТУГАМАЙДИ

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ-нинг 2019 йил 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрамига бағишланган учрашувдаги нутқидан олинган ва шу мавзуга оид бошқа матнлар).*

**Фидойи аёлларимиз Ўзбекистон инсоний салоҳиятининг олтин фондидир.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ўрни, Ўзбекистонимиз эришаётган ютуқлардаги бекиёс ҳиссасини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

\*\*\*

Муқаддас она, аёл зоти – чинакам меҳр булоғи, меҳр куёшидир.

\*\*\*

Азиз аёлларимиз ҳаётимиз қувончи, хонадонларимиз кўркидир.

\*\*\*

Дунёда “фидойи” деган сўзга энг муносиб зот бу – Онадир.

\*\*\*

Аёлларимиз бахти – халқимиз, жамиятимизнинг бахтидир.

\*\*\*

Аёл сиймоси Яратганнинг тенгсиз мўъжизасидир.

\*\*\*

Аёл, она бахтли бўлса – жамият бахтлидир.

\*\*\*

Халқимиз розилиги, аввало, муҳтарама оналаримиз, опангилларимизнинг розилигидир.

\*\*\*

Гўзал ва ёруғ оламни янада гўзал ва ёруғ қилиб турувчи бу – аёллардир.

\*\*\*

Аёл бор экан, меҳр-оқибат, эзгулик ва адолат, вафо ва садоқат каби буюк қадриятлар безавол яшайверади.

\*\*\*

Аёл оила ва жамият устуни, ҳаётимизнинг файзи ва кўркидир.

\*\*\*

Хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада оширайлик.

\*\*\*

Аёллар билан ҳаётимиз янада гўзал ва мазмунлидир.

\*\*\*

Дилимизда, қалбимизда Сизларга бўлган меҳр-муҳаббатимиз чексиздир, азиз аёллар!

\*\*\*

Она муқаддас ва мўътабар сиймодир.

\*\*\*

Она меҳри ҳаётнинг устуни.

\*\*\*

Аёллар нафосати ва назокати, вафо ва садоқати, ақл-заковати ва фидойилиги билан гўзалдир.

\*\*\*

Мамлакатимиз тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш йўлидаги самарали меҳнати, эзгу фазилатлари билан ҳаммага ўрнак бўлиб келаётган хотин-қизларимиз билан фахрланамиз.

\*\*\*

Жонқуяр, оқила, меҳр-оқибатли аёлларимизни, уларнинг давомчилари бўлган истеъдодли қизларимизни кўриб кўзларимиз қувонади.

\*\*\*

Ижтимоий фаол аёлларни раҳбарлик лавозимларга тайёрлаб бориш, уларни ўқитиш, малакасини ошириш муҳим вазифамиздир.

\*\*\*

Мамлакатимизда хотин-қизлар ҳаракати катта салоҳият ва истикболга эгадир.

\*\*\*

Она ва оила биз учун меҳр-муҳаббат кўрғонидир.

\*\*\*

Мард йигитлар меҳрибон онаси, оиласи, фарзандлари бахтли бўлиши учун бутун борлигини бағишлайди.

\*\*\*

Мамлакатимизда аёлларнинг меҳнат ва пенсия соҳасидаги ҳуқуқлари, гендер тенглиги кафолатлангандир.

\*\*\*

Аёлларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш биз учун жуда муҳим масаладир.

\*\*\*

Боғча ёшдаги барча болаларни мактабгача таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олиш – аёлларимиз, болаларимиз олдидаги қарзимиз, келажак олдидаги муқаддас вазифамиздир.

\*\*\*

Қизларимиз – бизнинг келажакимиз, миллатимиз генофондини асрайдиган, муносиб давом эттирадиган инсонлардир ва уларни жисмоний ҳамда маънавий баркамол этиб тарбиялаш эзгу бурчимиздир.

\*\*\*

Қизларимизни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун алоҳида грантлар ажратилади.

\*\*\*

Хотин-қизларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг ҳаётий муаммоларини ечиш, орзу интилишлари, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор имкониятларини ишга солаверамиз.

\*\*\*

Мунис ва меҳрибон опа-сингиллар, сизларнинг ҳаётдан рози бўлиб юришингиз учун, бахту саодатингиз учун доимо сидқидилдан хизмат қилишга тайёرمىз.

\*\*\*

Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари ўзининг иқтидори ва ибратли фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлмокда.

\*\*\*

Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлган қизларимиз – ёшлар учун ибрат тимсолидир.

\*\*\*

Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш муҳим вазифамиздир.

\*\*\*

Азиз аёллар, оила ва фарзандларимиз, эл-юртимиз бахтига ха-  
миша соғ-омон бўлинг!

\*\*\*

Аёл борки, хонадонларимиз обод ва нурафшондир.

\*\*\*

Мунис ва меҳрибон опа-сингиллар, иқболингиз баланд, умрин-  
гиз узок, ризку насибангиз зиёда бўлсин!

\*\*\*

Аёл киши билмаган сирнигина сақлаш мумкин.

\*\*\*

Аёлнинг гўзаллиги – камгаплиги, оддий кийиниш ҳам унга  
мақтов келтиради.

\*\*\*

Агар аёллар бўлмаганида, биз ҳаётимизнинг дастлабки соатла-  
рида ёрдамдан, ўртасида ҳузур-ҳаловатдан, охирида эса овунти-  
рувчидан маҳрум бўлар эдик.

\*\*\*

Аёллар, ҳатто эркаклар дидини ҳам нафислаштиришади.

\*\*\*

Она алласи кишига то умрининг охиригача ҳамроҳлик қилади.

\*\*\*

Ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида ҳал  
этишда, бошқарув самарасини оширишда хотин-қизларнинг ўрни  
ва таъсири жуда каттадир.

\*\*\*

Баҳор ойининг бир куни аёллар ийди – байрами қилиб белгилаб  
кўйилсин.

**“Авесто”дан**

## НАВРЎЗИНГ – ЯНГИ КУН, ЯНГИ ДАВРОНИНГ МУБОРАК, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ-нинг 2019 йил 21 мартдаги Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзидан олинган ҳамда бошиқа ушбу мавзудаги матнлар).*

Гўзал диёримизга барчамиз орзиқиб, соғиниб кутган Наврўзи олам келди.

\*\*\*

Наврўз – ўзининг ўлмас руҳи, умуминсоний ғоялари билан башарият ҳаётидан тобора чуқур ўрин эгалламоқда.

\*\*\*

Наврўз ҳар бир хонадонга, бутун эл-юртимизга тинчлик-хотир-жамлик, бахту саодат, қут-барақа олиб келсин!

\*\*\*

Наврўз – маънавий ҳаётимизнинг кўрки ва зийнати бўлган хоси-ятли байрамдир.

\*\*\*

Наврўз – кўп минг йиллик қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимиз ифодаси.

\*\*\*

Наврўз – баҳор ва бахт айёми.

\*\*\*

Наврўз – янги кун, янги фасл.

\*\*\*

Наврўз ҳаммамиз учун суюкли ва ардоқли байрамдир.

\*\*\*

Азиз ватандошлар, ҳар кунимиз Наврўз бўлсин.

\*\*\*

Ҳаётингиз Наврўз тонгидек тиник, бахтли ва фаровон бўлсин.

\*\*\*

Наврўз – Шарқона янги йил.

\*\*\*

Наврўз – ўзининг буюк қудрати билан табиатни уйғотади.

Наврўз – умумхалк байрами.

\*\*\*

Наврўзи олам барчамизга муборақ бўлсин!

\*\*\*

Наврўз – дўстлик-ҳамжихатлик байрами.

\*\*\*

Наврўз – ҳар бир оилага, ҳар бир хонадонга бахт ва қувонч олиб келсин!

\*\*\*

Наврўз – инсонлар қалбида гўзал ва олижаноб туйғуларни уйғотади.

\*\*\*

Наврўз – бетакрор байрамдир.

\*\*\*

Наврўз – эзгу ниятли инсонларни бирлаштирувчи байрамдир.

\*\*\*

Наврўз – она табиатнинг уйғониш айёми.

\*\*\*

Наврўз – юртдошларимизнинг ардоқли ва севимли байрамидир.

\*\*\*

Наврўзда орзу-ниятларимиз амалга ошсин!

\*\*\*

Наврўз – баҳор ва меҳнат, ёшлиқ ва гўзаллик байрами.

\*\*\*

Наврўз эзгулик ва гўзаллик, поклик ва ободлик, тинчлик ва саломатлик айёмидир.

\*\*\*

Дехқон деб ўйлама ҳар ким сочса дон,  
Донидан – дон чикса, ўшадир дехқон.

**Низомий ГАНЖАВИЙ**

\*\*\*

Илдизларни китиклаб, куртакларни кулдирар – Наврўз.  
Ғунчаларни уйғотиб, гул чечакка тўлдирар – Наврўз.

**Ўткир РАҲМАТ**



## АЖДОДЛАРИМИЗ ЖАСОРАТИ – МАНГУ БАРҲАЁТ

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ-нинг 2019 йил 23 октябрдаги “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида”ги 4495-сонли қарори ҳамда Олий Мажлисга Мурожаатномасидан олинган матнлар).*

**Биз барчамиз, аввало, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз фашизм балосига қарши курашда жасур аждодларимиз, кўп миллатли Ўзбекистон халқи кўрсатган мардлик ва матонатни асло ёдимиздан чиқармаслигимиз керак.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аждодларимиз хотираси қалбларимизда абадий сақланади.

\*\*\*

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳамюртларимизнинг кўрсатган мардлик ва қаҳрамонлиги биз учун улкан жасорат мактаби, гурур-ифтихор манбаидир.

\*\*\*

Бизнинг мард, енгилмас ва олижаноб халқимиз буюк ғалабани таъминлашга беқиёс ҳисса қўшгани билан ҳақли равишда фахрланади.

\*\*\*

Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларининг қаҳрамонликлари, ўзбек халқининг фронт ортидаги фидокорона меҳнати ва ғалабага қўшган ҳиссаси беқиёсдир.

\*\*\*

Ўзбекистон халқи бутун тараққийпарвар инсоният қатори Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабани таъминлашга улкан ҳисса қўшган.

\*\*\*

Урушнинг даҳшатли оқибатларини ҳеч қачон унутмайлик, бугунги тинч ва осуда ҳаётнинг, мустақилликнинг қадрига етайлик.

\*\*\*

Фашизмга қарши жангларда, меҳнат фронтида жонбозлик кўрсатган фахрийларимизга алоҳида эътибор ва эҳтиром кўрсатиш олижаноб анъанадир.

\*\*\*

Ёш авлодимизни ота-боболаримиз жасоратига муносиб бўлган, бугунги тинч, осойишта ҳаётни асраб-авайлаш ва янада мустақкамлашга қодир, жонажон Ватанимизга садоқатли инсонлар этиб тарбиялайлик.

\*\*\*

“Ғалаба боғи” халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган мардлик ва матонати, юксак инсоний фазилатларини, қаҳрамон аждодларимиз номларини улуғлашга хизмат қилади.

\*\*\*

“Ғалаба боғи” Ватанга садоқат, ўз ҳаётини тинчлик ва озодлик учун фидо қилган инсонларнинг ўлмас жасорати ва ёрқин хотирасига юксак хурмат-эҳтиромнинг амалий намунаси.

\*\*\*

Юртимизда инсон хотираси азиз ва муқаддас, қадри улуғ.

\*\*\*

Фронт ҳудудларидан республикамизга кўчириб келтирилган юз минглаб инсонларга кўрсатилган юксак инсонпарварлик фазилатининг ўрни бекиёсдир.

\*\*\*

Уруш туфайли етим қолган болаларни ўз тарбиясига олиб, уларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш халқимизга хос бўлган буюк инсонпарварлик ва юксак маънавий жасорат намунаси.

\*\*\*

Ҳамюртларимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги қаҳрамонликлари, аждодларимиз жасорати — халқимиз учун шон-шараф мактаби, ғурур-ифтихор манбаидир.

\*\*\*

Қонли жанг майдонларида мардлик кўрсатган, фронт ортида меҳнат қилиб, бугунги ҳаётимизга фойза бағишлаб юрган мухтарам фахрийларимиз олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

\*\*\*

Иккинчи жаҳон урушида ўз жигарбандидан жудо бўлган минг-минглаб оналар қалбидаги алам ва изтиробни ифода этишга сўз ожиздир.

\*\*\*

Мустақил Ватанимиз озодлиги, эл-юрт тинчлиги йўлида ҳалок бўлган жасур ҳарбийларимизнинг номларини ҳурмат ва эҳтиром билан эсга оламиз.

\*\*\*

Мустақил Ватанимиз озодлиги, эл-юрт тинчлиги йўлида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари, фарзандларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш муқаддас бурчимиздир.

\*\*\*

Мусаффо осмон остида туриб, ҳар биримиз тинч ва озод ҳаётнинг қадрини, аҳамиятини янада чуқур ҳис этайлик.

\*\*\*

Дунёнинг турли минтақаларида кескинлик ўчоқлари кўпайиб бораётган шундай мураккаб даврда тинчлик учун кураш энг долзарб вазифадир.

Элни дарди билан куйсагина жон,  
Ўша жон эгаси ҳақиқий инсон.

## МАҲАЛЛА – ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК МАРКАЗИ

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ-нинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва бошқа нутқларидан олинган маҳалла мавзусига оид матнлар).*

Маҳалла катта ижтимоий куч сифатида майдонга чиқиши керак, фаоллар, кўпни кўрган оқсоқоллар, тажрибали нурунийларимиз, агар истаса, жамоатчилик билан биргаликда ҳар қандай муаммони ҳал қилишга, хато қилган ёшларни тўғри йўлга солишга қодир.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Маҳалла жамият ҳаётида катта ўрин тутадиган миллий менталитетимиз кўзгусидир.

\*\*\*

22 март – Маҳалла тизими ходимлари куни.

\*\*\*

Маҳалла тизимини такомиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, жинойтчиликнинг олдини олиш долзарб вазифамиздир.

\*\*\*

Маҳалла тизими жамиятимизнинг энг муҳим ва таянч бўғинидир.

\*\*\*

Маҳалла тизимини ўзгартириш, “Обод ва хавфсиз маҳалла” таъмоилини жорий қилиш муҳим вазифамиздир.

\*\*\*

Маҳаллаларда тўпланиб қолган муаммо ва камчиликларга самарали ечим топиш, тинчлик-осойишталикни асраб-авайлаш йўлида барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш шарт.

\*\*\*

Маҳалаларнинг моддий-техника баъзасини мустаҳкамлаш, улар фаолиятига замонавий ахборот ва рақамли технологияларни жорий этиш муҳим вазифамиздир.

\*\*\*

Маҳалла фуқаролари йиғинлари ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва осойишталикни таъминлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, ҳудудни ободонлаштиришга ва ёшлар тарбиясига масъулдирлар.

\*\*\*

Камбағалликни қисқартириш устувор вазифамиздир.

\*\*\*

Одамларнинг меҳнат қилиб, бой бўлиши ва яхши ҳаёт кечириши учун барча шароитларни яратишимиз зарур.

\*\*\*

Маҳалла – соғлом турмуш тарзи маскани.

\*\*\*

Маҳаллаларимизни обод масканга айлантирайлик.

\*\*\*

Маҳалла нуфузини кўтариш нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир.

\*\*\*

Маҳаллаларда, турар жойларда ўз уйимизни ўзимиз асраш бўйича барча чорани кўрайлик.

\*\*\*

Оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш зарур.

\*\*\*

Оила – муқаддас деган азалий ва эзгу ғоя қадрсизланмаслиги, миллий қадриятларимиз завола топмаслиги зарур.

\*\*\*

Соғлом оила – соғлом жамият.

\*\*\*

Оила – жамият ва давлат ҳимоясида!

\*\*\*

Ота-оналик – улкан масъулият ва катта меҳнат!

\*\*\*

Оила – муқаддас қўрғон. Қўрғон мустаҳкам экан, кўнгиллар тўқ,  
диллар шод.

\*\*\*

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият бахтли ва фаровон  
бўлади.

\*\*\*

Оила фаровонлиги миллий фаровонлик асосидир.

\*\*\*

Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва  
хамжихатликда эришилади.

\*\*\*

Оила жамиятнинг мустаҳкам қўрғони бўлмоғи лозим.

\*\*\*

Оила кичик Ватан, оила тинч бўлса, бахтли бўлса, Ватан тинч  
бўлади.

\*\*\*

Оилага эътибор аслида бу ўзлигимизга эътибордир.

\*\*\*

Агар оилада тарбиянинг яхши усулларида тўғри фойдаланил-  
са, оила бахтли бўлади.

\*\*\*

Соғлом турмуш тарзига зид бўлган сохта урф-одатларга чек  
кўяйлик!

\*\*\*

Дабдабазлик ҳамда ортикча маросимлар ҳар бир оила ва  
ота-онанинг елкасига оғир юк бўлиб тушишини унутмайлик.

\*\*\*

Саранжом-саришта, озода-покиза хонадон – маҳалла кўрки.

\*\*\*

Хонадон иссиқхонаси – оила хазинаси.

\*\*\*

Хонадонларда оилавий бизнес ривожланса, боқимандалик  
барҳам топади.

\*\*\*

Ҳар бир хонадонда оилавий бизнесни ташкил этиш маҳалла фа-  
ровонлиги гаровидир.

Томорқаларда паррандачилик, чорвачилик, боғдорчилик, мевасабзавотчилик билан шуғулланиш фаровонлик гаровидир.

\*\*\*

Шахар ва қишлоқларимизни ҳар томонлама ривожлантириш эътиборимиз марказида туриши лозим.

\*\*\*

Ҳаётимиздаги олижаноб фазилатларни, шукроналик, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик каби эзгу қадриятларни мустаҳкамлашда нуруний отахон ва мунис онахонларнинг ўрни беқиёсдир.

\*\*\*

Нурунийларнинг жамоатчилик назорати, томорқа маданиятини юксалтириш, уюшмаган ёшлар билан натижадорликка асосланган иш амалиёти тизимли бўлсин.

\*\*\*

Нурунийлар ёшларнинг тинчлик, эзгулик ва гўзалликка интилишини рағбатлантирувчи дуоғўйларимиздир.

\*\*\*

Обод, озод ва фаровон ҳаёт турмушимиз мезони бўлсин!

\*\*\*

“Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Yoshlar kelajagimiz”, “Беш ташаббус” каби дастурлар аҳолини янгича фикрлаш ва ишлашга сафарбар этишда муҳим роль ўйнайди.

\*\*\*

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастури ижроси Ўзбекистонимизнинг янги ва обод қиёфасини яратишга, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

\*\*\*

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастури асосида бунёд этилган арзон ва қулай уй-жойлар минглаб оилалар ҳаётига шодлик, бахт олиб келмоқда.

\*\*\*

Қишлоқ ва маҳаллаларимиз обод бўлса – юртимиз ҳам обод бўлади.

\*\*\*

“Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” давлат дастурлари ижроси юртимизга янгиланиш нафаси ва бунёдкорлик руҳини олиб кирмоқда.

\*\*\*

“Обод кишлок” ва “Обод маҳалла” давлат дастурлари шарофати билан кишлок ва маҳаллаларимиз янгича қиёфага кирмоқда.

\*\*\*

Инсон ҳаёти ободлик билан гўзал.

\*\*\*

Ҳар бир оила обод бўлса – мамлакат обод.

\*\*\*

Маҳалла обод бўлса – юрт обод.

\*\*\*

Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади.

**Абдурауф ФИТРАТ**

\*\*\*

Эркак киши оила бошлиғидир, у оиланинг барча эҳтиёжларини қондирмоғи лозим, чунки бу унинг бирламчи вазифасидир. Аёл эса эркакнинг яхши муносиб йўлдоши ва бола тарбияси борасида энг яхши ворис ва ёрдамчисидир.

**Абу Али ибн СИНО**

\*\*\*

Келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим.

**Амир ТЕМУР**

\*\*\*

Кимки ўз оиласи ичида тинч, тани соғ ва оилада шу кунига етадиган таоми бўлса, у одамга бутун дунё берилган бўлади.

**Имом Ал-БУХОРИЙ**

\*\*\*

Оила – боланинг бахти, келажаги учун замин яратувчидир.

**Муслихиддин Саъдий ШЕРОЗИЙ**

\*\*\*

Тўй қилиш учун эр-хотин бўлинмайди, эр-хотин бўлиш учун тўй қилинади, орзу-ҳавасни тўйда бир маротаба эмас, тўйдан кейин ҳар куни кўриш керак.

**Абдулла ҚАҲҲОР**



Ёшларнинг инновацион ташаббуслари ва ахборот технологияларига бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда иқтидорли кадрларни ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратайлик.

\*\*\*

Ўзбекистон ёшларида миллий тарихимиз ва буюк аجدодларимиз меросини пухта ўзлаштириш хоҳишини шакллантирайлик.

\*\*\*

Ўзбекистон маданияти ва санъатига муҳаббат ёшлар маънавиятининг асосига айлансин.

\*\*\*

Ёшлар тарбияси Ватан тараққиётига хизмат қилиш ва содиқ бўлиш ғояси асосида ташкил этилади.

\*\*\*

Ёшларимиздан миллий ғоя руҳида тарбияланган, юксак ахлоқий фазилатларга эга, юрт шаъни, ор-номуси учун кураша олишга қодир, маънавий иммунитетни мустаҳкам, меҳнатсевар, эътиқоди кучли шахсни шакллантирайлик.

\*\*\*

Мақсадимиз ёш авлоднинг соғлом бўлиб ўсиши, сифатли таълим олиши ва баркамол шахс бўлиб вояга етишини таъминлашдир.

\*\*\*

Йигит-қизларимизнинг бизнес лойиҳалари учун “Yoshlar kelajagimiz” давлат дастурини ҳаётга кенг татбиқ этайлик.

\*\*\*

Ёшларнинг маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китоб ўқишга бўлган қизиқишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган Президентимизнинг бешта ташаббусини ёшларимизнинг кундалик турмуш тарзига айлантирайлик.

\*\*\*

Ёш хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларда оилавий кадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга оширайлик.

\*\*\*

“Ёшлар тадбиркорлик кластерлари”ни ташкил этиш, “Ёшлар бизнес инкубаторлари” фаолиятини йўлга қўйишни қўллаб-қувватлайлик.

Ёшларни умуминсоний ва миллий қадриятларга ҳурмат, ватанга садоқат руҳида тарбиялайлик.

\*\*\*

Ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона кўрсаткичлар ишлаб чиқиш, ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индексини жорий этиш керак.

\*\*\*

2020 йил – ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш йили бўлади.

\*\*\*

Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича биз бошлаган улкан ишларни янги босқичга кўтаришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган асосий куч айнан ёшларимиздир.

\*\*\*

Ёшларимиз даврдан ортда қолмаслиги, доимо замондан бир қадам илгари қадам ташлаши керак.

\*\*\*

Бугунги кунда глобал майдонда кечаётган таҳликали жараёнларга нисбатан фақат мустақил ва қатъий ёндашувга эга бўлган, маънавий ва жисмоний баркамол ёшларгина қарши тура олади.

\*\*\*

Ёшларимизнинг хулқ-атвори, юриш-туриши, уларнинг тарбияси жуда муҳим масаладир.

\*\*\*

Ёшларимиз қандай улуғ зотларнинг авлоди эканини ҳар қадамда чуқур ҳис этсин ва фахрлансин, доимо уларга муносиб бўлсин.

\*\*\*

Ёшлар тарбиясини тўғри ва илмий асосда йўлга қўймасдан туриб, хотиржам бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

\*\*\*

“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғояси ҳаётий қоидамызга, айниқса, ёшларимизнинг кундалик ҳаёт тарзига айланмас экан, кутилган натижага эриша олмаймиз.

\*\*\*

Ёшлик инсон умрининг энг беғубор, улкан орзу-умидлар ва имкониятлар даври эканлигини яна бир бор ҳис қилиб, менга елкадош бўлиб, белни маҳкам боғлаб ҳаракат қилишингизга ишонаман.

Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун, аввало, илм-маърифат, юксак маънавият керак.

\*\*\*

Ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона кўрсаткичлар ишлаб чиқиш, ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индексини жорий этиш керак.

\*\*\*

Илмли авлод буюк келажакнинг кафолатидир.

\*\*\*

Ваганпарвар, ўзлигини англаган авлодни камол топтириш маънавий-маърифий ислохотларимизнинг бош мақсадидир.

\*\*\*

Ишонса арзийдиган, суянса тоғ бўладиган, жаҳон айвонида мағрур турадиган ёшлар эл-юртимизнинг куч-қудратидир.

\*\*\*

Президентимизнинг беш муҳим ташаббуси – миллий тараққиётнинг беш илдизидир.

\*\*\*

Мақсадимиз билимли болаларни аниқлаб, чуқурлаштирилган тарзда ўқитиб, талаб юқори бўлган соҳаларга йўналтиришдир.

\*\*\*

Илмли, маърифатли инсон жаҳолатга берилмайди.

\*\*\*

Ёшлар янгича дунёқараши, чуқур билим ва заковати билан юртимиз равнақида муҳим бурилиш ясайди.

\*\*\*

Бугунимиз ҳам, келажакимиз ҳам илм билан.

\*\*\*

Илм-камолат, ҳунар-салоҳият, имон-саодат.

\*\*\*

Ҳақиқатни кўрмоқ ва унга интилоқ – ёки жасорат, ёки тарбия маҳсули.

\*\*\*

Билимсизлик – инсоният учун энг қоронғу тундир.

\*\*\*

Қачонки сени тушунишса – бу бахт, қачонки сени севишса – бу катта бахт, қачонки сен севсанг – ана шу ҳақиқий бахтдир.

\*\*\*

Манфаат ва бойлик тўплашга муккангдан кетма, чунки барибир уларнинг ҳаммасини охирида ташлаб кетасан.

\*\*\*

Бутун умр қоронғуликни қарғаб ўтиш мумкин, айна чоғда кичкина шам ҳам ёқиш мумкин.

\*\*\*

Хушёр бўл, худди жар ёқасидан турган каби. Хушёр бўл, худди юпқа муз устида юрган каби.

\*\*\*

Хунарли одам ҳеч қачон оч қолмайди.

\*\*\*

Бировнинг миннатини кўтар-у, миннат қилувчи бўлма.

\*\*\*

Мартабаю иззатни илмдан изла.

\*\*\*

Бошқаларга яхшилик қилиш – бу мажбурият эмас, бу қувонч, чунки у сизга саломатлик ва бахт инъом қилади.

\*\*\*

Кишининг гўзаллиги либосида эмас, балки тилида.

\*\*\*

Ёшлик – жасорат даври.

## КЛАСТЕР – ИЛМГА АСОСЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ

“Кластер” – атамаси французча сўз бўлиб, ўзбекча таржима-си “боғлам”, “гуруҳ”, “тўпланиш” маъноларини беради.

Энг муҳим вазифа – халқимиз онгида  
инновацион тафаккурни шакллантиришдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Кластер – инновацион тараққиёт асоси.

\*\*\*

Кластер – янги даврнинг иқтисодий ғояси.

\*\*\*

Кластер – назариясини амалиётга татбиқ этиш энг мақбул йўл ҳисобланади.

\*\*\*

Барча соҳаларда кластер тизимини яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

\*\*\*

Кластер – жамиятнинг барча жабҳасида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ривожланишнинг янги даврини бошлаб беради.

\*\*\*

Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсишдир. Кластерни қўллаш усули ободлик ва турмуш тўкинлигига хизмат қилади.

\*\*\*

Кластер – иқтисодий самарадорлиги юқори, ижтимоий аҳамияти катта бўлган келажаги порлоқ усулдир.

\*\*\*

Кластер тизими хомашё етиштиришдан уни тайёр маҳсулотга айланттиришгача бўлган жараёни қамраб олади.

\*\*\*

Кластер – пахтачилик ва тўқимачиликнинг локомотиви.

\*\*\*

Кластердан деҳқон ҳам, қайта ишловчи ҳам бирдай манфаатдордир.

Кластер – кишлок хўжалиги меҳнаткашлари турмуш даражасини кўтариш омили.

\*\*\*

Кластер усули пахтачилик, тўқимачилик соҳасини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади.

\*\*\*

Кластер пахтачилик тармоғининг саноатлашувида ишончли воситадир.

\*\*\*

Кластер – давлатнинг иқтисодий ва экспорт салоҳиятини ошириб, халқимиз турмуш фаровонлиги юксалишига хизмат қилади.

\*\*\*

Кластерлаштирилган хўжалик ва корхоналарда меҳнат унумдорлиги 1,5 баробарга, иш ҳақи эса 30 фоизга кўплиги ўз тасдиғини топмоқда.

\*\*\*

Пахта, ғалла ва мева-сабзавот кластерлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш энг муҳим вазифамиздир.

\*\*\*

Кластер – чорвачилик, балиқчилик, боғдорчилик, асаларичилик ва бошқа тармоқлар ривожини янги босқичга кўтаради.

\*\*\*

Кластер – минглаб юртдошларимизни янги иш ўрни ва реал даромад билан таъминлашнинг ишончли воситасидир.

\*\*\*

Аграр тармоқда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш билан бирга, пахта ва ғалла етиштиришни кластер шаклига босқичма-босқич ўтказиш бўйича изланишларимизни давом эттираемиз.

\*\*\*

Мева-сабзавот, шоличилик, чорвачилик, ипакчилик каби тармоқларда бугунги кун талабига жавоб берадиган кластерларни ташкил этиш ишларини давом эттираемиз.

\*\*\*

Кластер – ишлаб чиқаришнинг инновацион усули халқни бой, юртни фаровон қилади.

## МАҚОМ САНЪАТИ БЕБАҲО БАДИИЙ ҚОМУСДИР

*(Президент Шавкат МИРЗИЁЕВнинг 2018 йил 6 сентябрдаги Халқаро мақом санъати анжуманининг очилиш маросимидаги нутқидан олинган матнлар).*

**Мақом асрлар давомида инсон руҳини,  
унинг дарду армонларини, эзгу интилишларини  
юксак пардаларда ифода этиб келган санъатдир.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Мақом садолари ўзининг теран фалсафаси, илоҳий кудрати билан минг-минглаб қалбларни мафтун этади.

\*\*\*

Мақом жаҳондаги кўплаб халқлар ва мамлакатларнинг мусиқий хазинасидир.

\*\*\*

Агар биз асл, ҳақиқий санъатни билмоқчи, ўрганмоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини билишимиз, ўрганишимиз керак.

\*\*\*

Мақом Шарқ мумтоз адабиёти, тасвирий санъати, илму маърифат, исломий кадрятлардан озикланган санъатдир.

\*\*\*

Мақом санъати буюк маданий меросига ўзбек халқи ҳам муносиб ҳисса қўшгани билан фахрланамиз.

\*\*\*

Халқаро анжуман мақом санъатидек ноёб бойликни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, ундан дунё аҳлини баҳраманд қилишга, келгуси наслларга безавол етказишга хизмат қилади.

\*\*\*

Мақом – мусиқани бутун қалби билан севадиган, ижод аҳлини муносиб кадрлайдиган халқимизнинг умрбоқий санъатидир.

\*\*\*

Барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштириш, ёшларни юксак гуманистик идеаллар руҳида тарбиялашда мақом санъатининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Агар биз санъатни, маданиятни кўтармоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини кўтаришимиз керак.

\*\*\*

Мақом оҳанглари, руҳи ва фалсафаси ҳар бир инсон калбидан, аввало, ёш авлодимизнинг онги ва юрагидан чуқур жой олиши учун бор имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур.

\*\*\*

Халқаро мақом анжумани узоқ ва яқин минтақаларда ушбу санъат ривожини янги босқичга кўтариш учун пойдевор бўлиб хизмат қилади.

\*\*\*

Мақом – дилларни дилларга, элларни элларга пайванд этадиган умрбоқий санъатдир.



## ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ-нинг 2019 йил 31 августдаги Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан олинган матнлар).*

Ўзбекистон мустақиллигининг қутлуғ 29 йиллиги кенг нишонланадиган 2020 йилда ушбу буюк санага муносиб ва салмоқли ҳисса қўшиш ҳар биримиз учун шарафли вазифадир.

\*\*\*

Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўймоқда.

\*\*\*

Биз мустақиллик ва истиклол йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз.

\*\*\*

Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари.

\*\*\*

Миллий юксалиш – мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга қўтаришдир.

\*\*\*

Мард ва матонатли халқимиз қанчалик қийин ва оғир синовларга дуч келмасин ўзи танлаб олган мустақиллик йўлига доимо содиқдир.

\*\*\*

Кам таъминланган, ногиронлиги бўлган инсонлар, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакилларини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишидир.

\*\*\*

Маънавият ва маърифат иши – ватанпарварлик иши, виждон ишидир.

\*\*\*

Виждон, маънавият дегани – халққа, ватанга чин юракдан хизмат қилиш деганидир.

\*\*\*

Ўз ватанини, она халқини равнақ топтириш учун ўзини аямасдан меҳнат қилиш: бу – жасорат ва мардлик, бу – она юртга муҳаббат ва садоқат, бу – тўғри тарбия ва амалий намуна демакдир.

\*\*\*

Ўзбекистондаги демократик жараёнлар энди орқага қайтмайдиган, муқаррар тус олди.

\*\*\*

Мақсадимиз меҳнатқаш, заҳматқаш, олижаноб халқимизни рози қилишдир.

\*\*\*

Мақсадимиз ҳаётнинг барча синовларини матонат билан энгиб яшаётган ватандошларимизнинг ишончини оқлаш, оғирини энгил қилишдан иборатдир.

\*\*\*

Улуғ мақсадларга ўз-ўзидан, қуруқ ва баландпарвоз гаплар билан эмас, фақат тинимсиз, оғир ва фидокорона меҳнат билан эришамиз.

\*\*\*

Виждони, маънавияти бор инсон ватанни албатта яхши кўради.

\*\*\*

Ўзбекистон ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини, улар қаерда бўлишидан қатъи назар, ҳимоя қилишга қодир мамлакат сифатида ўзини намоён этмоқда.

\*\*\*

Кечиримли, меҳр-оқибатли бўлиш халққа ҳам, Худога ҳам манзур бўлади.

\*\*\*

Ватанимиз мустақиллигини асраб, унинг барқарор тараққиётини таъминлаб келаётган мард ва бағрикенг халқимизга ҳалол ва фидокорона меҳнати, истиқлол ғояларга садоқати учун таъзим қиламиз.

\*\*\*

Ҳар қандай раҳбар ва етакчиларга чуқур билим, ақл-заковат, сабр-тоқат керак.

\*\*\*

Жаҳолатга қарши – маърифат билан курашайлик.

\*\*\*

Ҳаммамиз эркинлик, очиклик, ошкоралик шароитда ишлашга ўрганишимиз лозим.

\*\*\*

Барчамиз ҳар куни ўқиб ўрганишимиз, ўз устимизда ишлашимиз, билим ва савиямизни доимо ошириб боришимиз керак.

\*\*\*

Буюк боболаримизнинг муносиб издошлари ва давомчилари бўлиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

\*\*\*

Ўз мақсадларимизга албатта етамиз — келажаги буюк Ўзбекистонни барчамиз биргаликда барпо етамиз.

\*\*\*

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

\*\*\*

Ўзбекистонда ҳар бир инсон бахтли яшашга ҳақлидир.

\*\*\*

Ижтимоий ҳимоя сўзда эмас, амалда бўлиши керак.

\*\*\*

Одамлар бугунидан мамнун бўлиб, эртанги кунига ишонч билан яшаши керак.

\*\*\*

Мамлакатимиздаги бунёдкорликлар одамларга катта ишонч ва шижоат бағишламоқда.

\*\*\*

Асосий мақсадимиз одамлар учун муносиб турмуш шароити яратишдир.

## СПОРТЧИ ЁШЛАР, БИЛИМЛИ АВЛОД, ТИББИЁТ СОҲАСИ, ОРОЛ ТАҚДИРИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ОИД МАТНЛАР

Спорт ёшлар парвозига қанотдир.

\*\*\*

Спорт – соғлом ва баркамол авлодни вояга етказди.

\*\*\*

Мақсадимиз – жисмоний ва маънавий етук авлодни тарбиялаш.

\*\*\*

Спорт – Ватан, юрт, шу тупроқ заминга меҳр-муҳаббат, садоқат  
уйғотади.

\*\*\*

Спортчи ёшларимиз Ўзбекистонни дунёга танитади.

\*\*\*

Спортчи ёшларимиз халқимиз, Ўзбекистонимизнинг таянчи ва  
суянчидир.

\*\*\*

Спорт болаларни соғлом, кучли, мард ва қатъиятли қилиб ка-  
молга етказди.

\*\*\*

Спортга қизиқиш – соғлом бўлишга интилишдир.

\*\*\*

Билимли авлод буюк келажагимиз кафолатидир.

\*\*\*

Илм ва изланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юкса-  
лиш ва умуман, бирор-бир соҳанинг келажаги бўлмайди.

\*\*\*

Таълим-тарбия бешиқдан бошланади.

\*\*\*

Келажак – боғчадан бошланади.

\*\*\*

Мактабгача таълим – эртанги кунимизга замин.

\*\*\*

Фарзандларимиз камолоти учун барча имкониятларни сафарбар  
этайлик.

Илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш – зарур вазифадир.

\*\*\*

Мактабгача таълим тизимида сифат ўзгаришига эришишимиз муҳимдир.

\*\*\*

Мактабгача таълим – ҳар томонлама соғлом ва баркамол болани мактабгача тайёрлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Тиббиёт ходимлари – саломатлигимиз посбонларидир.

\*\*\*

Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш – давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир.

\*\*\*

Шифокорлик касбини улуғлаб, уларнинг машаққатли меҳнатини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратайлик.

\*\*\*

Халқимизнинг тиббий маданияти юксалиб, энг сўнги усул ва усуллардаги тиббий хизматдан баҳраманд бўлишни истайди.

\*\*\*

Инсон манфаатлари деганда, аввало, инсоннинг саломатлиги, замонавий тиббий хизматдан тўлақонли фойдаланиши ҳам назарда тутилади.

\*\*\*

Аҳоли тиббиётдаги ислохотлардан рози бўлиб яшаши керак.

\*\*\*

Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини юксалтириш муҳим вазифамиздир.

\*\*\*

Тиббиёт ходимларига халқ ишонishi, улар эса халқни ишонтира олиши керак.

\*\*\*

Тиббий хизмат – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир.

\*\*\*

Орол тақдири учун барчамиз масъулмиз.

Орол фожеаси оқибатларини юмшатиш бўйича бошлаган мисли кўрилмаган ишларимизни давом эттириб, денгизнинг қуриган тубида ўрмонзорларни кенгайтираверамиз.

\*\*\*

Орол инқироzi – замонамизнинг энг йирик фожеаларидан бири.

\*\*\*

Орол фожеасининг салбий оқибатларини бартараф этиш халқаро аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифамиздир.

\*\*\*

Мўйноқда замонавий уй-жойлар, корхоналар қурилиши – туман ривожиди янги даврнинг бошланишидир.

\*\*\*

Оролбўйи ҳудудида экологик вазиятни яхшилаш долзарб масаладир.

\*\*\*

Дехқон – бу ҳаётнинг бақувват устуниси, тирикликнинг мустаҳкам таянчиси.

\*\*\*

Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш асосий вазифамиздир.

\*\*\*

Миришкор дехқон ва фермерлар, сувчи ва ирригаторлар, механизатор ва агрономлар дунёдаги энг шарафли касб эгаларидир.

\*\*\*

Аграр соҳанинг меҳнати шарафли, нони тотли ва шириндир.

\*\*\*

Барчамизни, бутун халқимизни боқадиган, кийинтирадиган қишлоқ хўжалиги ходимларидир.

\*\*\*

Ўзбек дехқонлари она заминимизга, муқаддас тупроғимизга энг садоқатли, элу юрт тақдири учун чинакам фидойи инсонлардир.

\*\*\*

Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда илм-фаннинг ўрни беқиёсдир.

\*\*\*

Қишлоқ хўжалигида ишларни фидойилик ва омилкорлик билан тўғри ва самарали ташкил этишимиз керак.

\*\*\*

Ўз ҳаётини қишлоқ хўжалиги соҳаси билан, саховатли заминимиз билан боғлаган фидойи инсонлардан фахрланамиз.

\*\*\*

Тадбиркору деҳқон ва фермер нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади.

\*\*\*

Деҳқон ва фермерлар қишлоқ хўжалигининг таянч устунларидир.

\*\*\*

Қишлоқ хўжалиги – иқтисодиётнинг энг қадимий, ҳеч қачон ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотмайдиган таянч тармоқлардан биридир.

## БОЗОРЛАР ҲУДУДЛАРИДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ШИОРЛАР УЧУН МАТНЛАР

Бозорлардаги эзгу удумлар – миллий кадриятларимиздир.

\*\*\*

Бозорларимиз тўкин-сочинлиги юрт фаровонлигидандир.

\*\*\*

Касбнинг афзали ҳалол савдо ва кишининг қўл меҳнатидир.

\*\*\*

Бозорлар ҳунармандларимиз маҳсулотлари билан файзлидир.

\*\*\*

Бозор ризқ-рўз дастурхони, уни ифлос қилманг!

\*\*\*

Бозорда рақобат бўлса, арзон ва сифатли мол кўп бўлади.

\*\*\*

Ҳалол ва саховатли савдогар худди мевали дарахт кабидир.

\*\*\*

Ҳалол савдодан топилган пулнинг баракаси бўлади.

\*\*\*

Тўғри бўлса тарози, ҳеч ким бўлмас норози!

\*\*\*

Икки кишининг – сотувчи ва олувчининг келишиб турган савдо-  
сини бузманг.

\*\*\*

Бозорга кулиб кирган, кулиб чиқади.

\*\*\*

Хастани кўраман деб бозор қилгани келишса, энг яхши мевала-  
рингдан саралаб бергин, шунда сен ҳам касални кўргандек савоб  
оласан.

\*\*\*

Ҳалол савдогарнинг қўлига мевали дарахтга қуш қўнганидек ба-  
рака қўнаверади.

\*\*\*

Бозор – меҳрга зор.

\*\*\*

Бозорни саришта – одамларни фаришта деб бил.

\*\*\*

Меҳр билан бозор қилсанг,

Рўзғоринг баракали бўлади.



## ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИДИР

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ-нинг 2019 йил 29 сентябрдаги “Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табриги”дан олинган матнлар).*

**Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.**

**Алишер НАВОИЙ**

Бизга илм ўргатган, ҳаёт сабоғини берган жонкуяр, ўқитувчи ва мураббийларга чин дилдан таъзим қиламиз.

\*\*\*

Ўзининг кўз нури, қалб қўри, бутун борлиғини ёш авлод тарбиясига бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати, жасорати ҳар қандай юксак баҳоларга муносибдир.

\*\*\*

Ўқитувчи ва домлалар меҳнатини муносиб кадрлаш, уларнинг иш ҳақини, жамиятдаги нуфузини ошириш жуда муҳимдир.

\*\*\*

Ўзбекистон ёшлари турли соҳаларда ўз билим ва салоҳиятини намоён этиб, Ватанимиз шухратини бутун дунёга тараннум этмоқда.

\*\*\*

Бугунги кун ўқитувчиси универсал мутахассис, ҳам ўргатувчи, ҳам ўрганувчи бўлиши керак.

\*\*\*

Ўқитувчи чинакам ватанпарвар инсон бўлиши зарур.

\*\*\*

Қалбида ўз касбига, Ватанига меҳр ва садоқат кучли бўлган ўқитувчигина ҳақиқий ватанпарвар шахсни тарбиялай олади.

\*\*\*

Ўзбекистонда энг обрўли инсон муаллим бўлиши керак.

\*\*\*

Халкимизнинг энг катта бойлиги – миллионлаб фарзандларимиз, жондан азиз ўғил-қизларимизнинг тақдири, Ўзбекистон истиқболи ўқитувчи ва мураббийларга ишониб топширилган.

\*\*\*

Ўқитувчи ва мураббийлар доимо эъзозда.

\*\*\*

Келажак авлодимиз тақдири, бутун миллатимиз, халкимиз, давлатимиз тақдири мухтарам муаллимларга боғлиқ.

\*\*\*

Авлодларингизга фақат бугуннинг эмас, келгуси замоннинг илмини ўргатинг.

\*\*\*

Давлат бюджетини таълимга йўналтирдим. Муаллимни энг қуйи табақадан Сингапурдаги энг юқори мартабага кўтардим. Давлатдаги мўъжизаларни қилган инсонлар муаллимлардир. Улар илм, ахлоқ, меҳнат ва ҳақиқатни севадиган камтар авлодни тарбиялаб етиштириб чиқадилар.

**Ли Куан Ю**

\*\*\*

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни.

## ЎЗБЕК ТИЛИ – МАЎНАВИЯТИМИЗНИНГ БИТМАС-ТУГАНМАС БУЛОҒИ

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ-нинг 2019 йил 21 октябрдаги ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан олинган ва шу мавзудаги матнлар).*

**Кимда-ким ўзбек тилининг бор латофатини, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик дostonларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, бахши ва ҳофизларимизнинг сеҳрли кўшиқларига қулоқ тутсин.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни.

\*\*\*

Ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини оширайлик.

\*\*\*

Ҳар биримиз Давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб билишимиз керак.

\*\*\*

Ўзбек тили – миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли.

\*\*\*

Ҳар биримиз Давлат тилига эҳтиром ва садоқатни, она-Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз керак.

\*\*\*

Давлат тилига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир.

\*\*\*

Ўзбек тили халқимизни бирлаштирадиган, жамиятимизни улуғ мақсадлар сари сафарбар этадиган қудратли кучдир.

\*\*\*

Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти – бу унинг миллий тили ва адабиётидир.

Тил – миллат кўзгуси.

\*\*\*

Тилни асраш – элни асрашдир.

\*\*\*

Тил тараққиёти – жамият ривожидир.

\*\*\*

Тилимиз – фахримиз.

\*\*\*

Тил – халқу Ватан таянчи.

\*\*\*

Тил – миллат бойлиги.

\*\*\*

Тили барҳаётнинг – эли барҳаёт.

\*\*\*

Тил – маърифат ва маънавият асоси.

\*\*\*

Тил – миллатнинг энг муҳим белгиси ва бойлигидир.

\*\*\*

Она тилимиз – миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас бу-  
лоғидир.

\*\*\*

Ўзбек тили – дунёдаги қадимий ва бой тиллардан биридир.

\*\*\*

Миллий тилга эътибор – ватанпарварлик.

\*\*\*

Ўзбек тили – ўзбек халқининг маънавий мулкидир.

\*\*\*

Ўзбек тили туркий тилларнинг қатта оиласига мансуб энг йирик  
тиллардан биридир.

\*\*\*

Она тилимизга, урф-одат ва қадриятларимизга хурмат, Ватанга  
меҳримизни амалий фаолиятимизда намоён этишимиз керак.

\*\*\*

Тарихимсан, тақдиримсан, келажагимсан, она тилим!

\*\*\*

Ўзбек тили – бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир.

\*\*\*

## ЎЗБЕК ТИЛИ – МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ БИТМАС-ТУГАНМАС БУЛОҒИ

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ-нинг 2019 йил 21 октябрдаги ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан олинган ва шу мавзудаги матнлар).*

**Кимда-ким ўзбек тилининг бор латофатини, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик дostonларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, бахши ва ҳофизларимизнинг сеҳрли кўшиқларига қулоқ тутсин.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни.

\*\*\*

Ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини оширайлик.

\*\*\*

Ҳар биримиз Давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб билишимиз керак.

\*\*\*

Ўзбек тили – миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли.

\*\*\*

Ҳар биримиз Давлат тилига эҳтиром ва садоқатни, она-Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз керак.

\*\*\*

Давлат тилига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир.

\*\*\*

Ўзбек тили халқимизни бирлаштирадиган, жамиятимизни улут мақсадлар сари сафарбар этадиган қудратли кучдир.

\*\*\*

Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти – бу унинг миллий тили ва адабиётидир.

Тил – миллат кўзгуси.

\*\*\*

Тилни асраш – элни асрашдир.

\*\*\*

Тил тараққиёти – жамият ривожидир.

\*\*\*

Тилимиз – фахримиз.

\*\*\*

Тил – халку Ватан таянчидир.

\*\*\*

Тил – миллат бойлигидир.

\*\*\*

Тили барҳаётнинг – эли барҳаёт.

\*\*\*

Тил – маърифат ва маънавият асосидир.

\*\*\*

Тил – миллатнинг энг муҳим белгиси ва бойлигидир.

\*\*\*

Она тилимиз – миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас бу-  
лоғидир.

\*\*\*

Ўзбек тили – дунёдаги қадимий ва бой тиллардан биридир.

\*\*\*

Миллий тилга эътибор – ватанпарварлик.

\*\*\*

Ўзбек тили – ўзбек халқининг маънавий мулкидир.

\*\*\*

Ўзбек тили туркий тилларнинг қатта оиласига мансуб энг йирик  
тиллардан биридир.

\*\*\*

Она тилимизга, урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга  
меҳримизни амалий фаолиятимизда намоён этишимиз керак.

\*\*\*

Тарихимсан, тақдиримсан, келажакимсан, она тилим!

\*\*\*

Ўзбек тили – бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир.

\*\*\*

Она тилимиз миллий ғуруримиздир.

\*\*\*

Тил – миллатнинг суянч тоғи.

\*\*\*

Тил миллий рухнинг жони ва қони.

\*\*\*

Тил миллат тарихининг хотира қомусидир.

\*\*\*

Туркий тилда сўзлашувчи икки улуғ халқ номи айтилса, биттаси ўзбеклар бўлади.

\*\*\*

Тилга меҳр – элга меҳр.

Тил бор экан миллат барҳаёт.

\*\*\*

Ҳар бир халқ, ҳар бир миллат ўзлигини, аввало, тил орқали ифода-  
далайди.

\*\*\*

Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз.

\*\*\*

**Алишер НАВОЙЙ**

Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегув-  
чиларнинг ўзи камбағал.

\*\*\*

**Абдулла ҚОДИРИЙ**

Миллий тилни йўқотмоқ миллатнинг руҳини йўқотмоқдир.

\*\*\*

**Абдулла АВЛОНИЙ**

Тилни менсимаслик, миллатни менсимаслик, Ватанни менсима-  
ликни кўрсатадиган ўта нохуш ҳолдир.

\*\*\*

**Озод ШАРАФИДДИНОВ**

Миллий, ватаний иш шахдамлик, жасорат ва мардликни талаб  
қилади.

\*\*\*

**Эркин ВОҲИДОВ**

Она тилимни севмасам, сўзларига махлиё бўлмасам, хайратлан-  
масам менга шоирлик қайда эди!

**Эркин ВОҲИДОВ**

\*\*\*

Қайси бир миллатнинг она тили ўз ҳожатини ўтаёлмай, бошка  
ёт тиллар олдида мағлубиятга учраб тиз чўқар экан, ундай миллат  
кўп узоқламаёк, инсоний ҳуқуқларидан ажраган ҳолда ҳаёт даф-  
тари устига инкироз қалами чекилиши шубҳасиздир. Ундай мил-  
латлар ёлғизгина Ватанларидан эмас, балки бутун борлиғи билан  
тарих юзидан йўқолишга мажбур бўладилар.

**Алихонтўра СОҒУНИЙ**

\*\*\*

Минг йилларким булбул каломи  
Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.  
Аmmo шўрлик тўтининг ҳоли  
Ўзгаларга тақлид ҳамиша.  
Она тилим, сен борсан, шаксиз,  
Булбул куйин шеърга соламан.  
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,  
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан!

**Абдулла ОРИПОВ**



## ДИЛИНГ АЛЛОҲДА – ҚЎЛИНГ МЕҲНАТДА БЎЛСИН!

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ-нинг 2019 йил 4 июндаги Ўзбекистон халқига Рамазон ҳайити ва 2019 йил 10 августдаги Қурбон ҳайити табригидан олинган ва шу мавзудаги матнлар).*

**Мамлакатимизда “жаҳолатга қарши – маърифат” деган эзгу ғоя асосида Ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини тинчлик ва дўстлик каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишини тарғиб этиш доимий вазифамиздир.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Қурбон ҳайитингиз кутлуғ бўлсин, азиз ватандошлар!

\*\*\*

Рамазон ҳайитингиз кутлуғ бўлсин, азиз ватандошлар!

\*\*\*

Рамазон ҳайити мусулмон уммати учун мўътабар ва кадрли, саодатли ва улуғ айёмдир.

\*\*\*

Рамазон ҳайитида муқаддас динимизнинг эзгулик ва инсонпарварлик, меҳр-шафқат каби буюк фазилатлари янада намоён бўлади.

\*\*\*

Муқаддас айём – Рамазон ҳайити барчамизга муборак бўлсин.

\*\*\*

Дину диёнатимиз ва замон руҳини қалбимизга чуқур сингдириб, Ватанимиз равнақи йўлида астойдил хизмат қилайлик.

\*\*\*

Нияти пок, мақсадлари улуғ халқимизнинг Рамазон ҳайитида қилаётган барча ибодатлари, эзгу дуолари ижобат бўлсин.

\*\*\*

Рамазон ойининг файзу тароватидан баҳраманд бўлиб, савобли ишларимизни янада кўпайтирайлик.

\*\*\*

Чинакам мусулмон ўзига раво кўрган барча яхшиликларни бошқа инсонларга ҳам раво кўради.

Ҳаётда эзгу ва савоб амалларни бажариб, оиласи, фарзандлари, эл-юртининг бахту саодатини ўйлаб, ҳалол меҳнат қилиб яшаш мусулмон аҳли учун имон-этикоднинг муҳим шартидир.

\*\*\*

Қурбон ҳайити эл-юртимизнинг маънавий ҳаётида беқиёс ўрин эгаллаб, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик тамойилларини янада мустаҳкамлаб келаётган қутлуғ байрамдир.

\*\*\*

Қурбон ҳайити мўътабар ва улуғ айёмдир.

\*\*\*

Қурбон ҳайити байрамида Парвардигори оламга ҳамду санолар айтиб, юртимизга равнақ, халқимизга хайр-барақа сўраб дуои фотиҳалар қилайлик.

\*\*\*

Жонажон Ватанимиз, хонадонларимиздан хотиржамлик, аҳиллик, файзу барақа ҳеч қачон аримасин!

\*\*\*

“Илм мол-дунёдан яхшидур. Илм сени кўриқлайди. Мол-дунёни эса сен кўриқлайсан. Мол йиғувчилар ўтиб кетадилар. Илм тўплагувчилар эса боқий қоладилар”.

\*\*\*

Эзгу интилиш ва ишларимизда Яратганнинг ўзи ҳамиша мададкор бўлсин.

\*\*\*

Ислом дини – бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик!

\*\*\*

Яратганимиз барчамизни ўз паноҳида асрасин.

\*\*\*

Дуо билан бошланган иш хайрли бўлади.

\*\*\*

Озлигида сабр, кўплигида шукр қил.

\*\*\*

Исломий маърифат эзгулик ва яхшилик уруғини сочиш демакдир.

Курбон ҳайити – ҳам ибодат, ҳам саховат айёми!

\*\*\*

Имон – олий неъмат.

### **Имом Абу Мансур Мотуридийнинг 1150 йиллигига бағишланган матнлар**

Имом Абу Мансур Мотуридий буюк калом имоми ва фикҳ олими.

\*\*\*

Имом Абу Мансур Мотуридий сунний эътиқодидаги икки йирик таълимотлардан бири бўлмиш мотуридия таълимотининг асосчиларидан ҳисобланади.

\*\*\*

Имом Абу Мансур Мотуридий ислом дининг ҳанафий мазҳабини Мовароуннаҳрда тарқатиш ва ўзидан кейинги авлодларга қурсиз етказиш ишига муҳим ҳисса қўшган аллома.

\*\*\*

Имом Абу Мансур Мотуридий ўз даврининг исломий илмлари соҳасида энг етук билим соҳиби ҳисобланиб, мусулмон дунёсида эҳтиром қозонган аллома.

### **Буюк аллома Баҳоуддин НАҚШБАНДИЙнинг 700 йиллигига бағишланган матнлар**

Дилинг Аллоҳда – қўлинг меҳнатда бўлсин!

\*\*\*

Шамга ўхшаб, токи ҳаммага равшанлик бағишла, ўзинг эса қоронғуда бўл.

\*\*\*

Авлиёлар билан бўлган доимий суҳбат охират тушунчасини зиёда қилувчи воситадир.

\*\*\*

Авлиёларнинг суҳбати бағоят улуғ неъматдир. Бу неъматдан узокка қолиш бу тариқат солики учун нуқсондир.

\*\*\*

Сабр ва чидамда ногора каби бўлмоқ лозимки, у қанчалик шапа-лок емасин, бироқ ўз одатига хилоф овоз чиқармайди.

\*\*\*

Ишларда ниятни тўғри қилиш энг муҳим нарсадир. Ният – касб қилиб топадиган нарса эмас, балки у ғайб оламидандир. Ниятнинг ҳақиқати ихтиёр остида эмас. Агар ният йўқ бўлса, умид натижа бермайди.

### **Имом БУХОРИЙга бағишланган ва унинг “Ал-жомеъ ас-сахих” китобидан матнлар**

Имом Бухорий – муҳаддислар султони.

\*\*\*

Имом Бухорий Ислому оламида энг етук ва машхур муҳаддисдир.

\*\*\*

Имом Бухорий заковат вужудининг ҳам, илм вужудининг ҳам боши эдилар.

\*\*\*

Илмдан ўзга нажот йўқ ва бўлмағай.

\*\*\*

Осонлаштиринглар, қийинлаштирманглар! Хушхабар айтин-лар, қизиқтиринглар, нафратлантириб қўйманглар (ўзингиздан бездирманглар).

### **Абу Муин НАСАФИЙга бағишланган матнлар**

Шарқу Ғарбнинг олиму уламолари Абу Муин Насафий илми-нинг денгизидан баҳра топиб, у таратган зиё нурларини кўзларига тўтиё қилиб суртганлар.

\*\*\*

Абу Муин Насафий Яқин ва Ўрта Шарқ, Марказий Осиё ўлка-ларида ислому илоҳиёти, фалсафаси, калом илми ривожига катта ҳисса қўшган алломадир.

\*\*\*

Абу Муин Насафийнинг “Баҳр ал-калом” асари аллома ижодининг гултожи ҳисобланиб, ислом дини фалсафасини ташкил қилган калом илми бўйича энг қимматли манбадир.

\*\*\*

Буюк ватандошимиз Абу Муин Насафийнинг ҳаёти ва илмий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш маданиятимиз тарихини ёритишда катта аҳамиятга эгадир.

### **Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙнинг 145 йиллигига бағишланган матнлар**

Маҳмудхўжа Беҳбудий – Туркистон жадидчилик ҳаракатининг асосчиси.

\*\*\*

Биз жадидчилик ҳаракати, Маҳмудхўжа Беҳбудий каби маърифатпарвар боболаримиз маънавий хазинасини қанча кўп ўргансак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади.

\*\*\*

Маҳмудхўжа Беҳбудий XX аср бўсағасидаги Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаракатчилигининг энг йирик намояндаси, янги давр ўзбек маданиятининг асосчисидир.

\*\*\*

Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистон жадидларининг раҳнамоси, мустақил жумҳурият ғоясининг яловбардори.

\*\*\*

Маҳмудхўжа Беҳбудий янги мактаб ғоясининг назариётчиси ва амалиётчиси, ўзбек драматургиясини бошлаб берган биринчи драматург.

\*\*\*

Маҳмудхўжа Беҳбудий авлодларни эрк ва озодлик, мустақиллик руҳида тарбиялаган, маърифат ва тараққиётга бошлаган мутафаккирдир.

\*\*\*

## Камолиддин БЕҲЗОД таваллудининг 565 йиллигига бағишланган матнлар

Камолиддин Бехзод – буюк мусаввир ва наққошдир

\*\*\*

Камолиддин Бехзод Шарқ тасвирий санъатига бекиёс хисса кўшган буюк мусаввир ва наққошдир.

\*\*\*

Камолиддин Бехзод нафақат Шарқ халқлари, балки бутун дунё халқлари маданияти тарихида салмокли из қолдирган буюк мусаввирдир.

\*\*\*

Камолиддин Бехзод йирик рассомчилик мактаби усталаридан бири бўлган рассом-миниатюрарачидир.

\*\*\*

Камолиддин Бехзод ижоди нафақат миллий санъатимиз ривожига, балки халқимизнинг маънавий тараққиётига ҳам муҳим ўринга эгадир.

\*\*\*

Камолиддин Бехзод Ғарбда “Шарқ Рафаэли” деб тан олинган мусаввирдир.

\*\*\*

Камолиддин Бехзоднинг тасвирий санъат дунёсининг ривожланишига улкан хисса қўшган бетакрор бўёкли асарлари ханузгача дунё маданият аҳлини ҳайратга солиб келмоқда.

\*\*\*

Камолиддин Бехзод тугалланган, композициялари мукамал, қахрамонларнинг тирик сурати, ғоявий фикрининг тенглиги билан ҳайратга солувчи бетакрор асарлар муаллифидир.

\*\*\*

Камолиддин Бехзод томонидан яратилган асарлар кўплаб санъат намояндалари учун илҳом манбаи ва ўрнак бўлиб хизмат қилган.

\*\*\*

Камолиддин Бехзод ижодини чуқур ўрганиш тасвирий ва амалий санъат соҳасида миллий меросимизни тиклашга хизмат қилди.

## КОНСТИТУЦИЯ ОЗОД ВА ЭРКИН ҲАЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

*(Президент Шавкат МИРЗИЁЕВнинг 2019 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан олинган матнлар).*

Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир.

\*\*\*

Конституция ва қонун устуворлиги – фаровон ҳаёт гаровидир.

\*\*\*

Ҳаммамиз Конституция ва қонунларни пухта билишимиз бу қоидаларга қатъий амал қилишимиз шарт.

\*\*\*

Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида мужассам этилгандир.

\*\*\*

Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан кўра самарали восита йўқдир.

\*\*\*

Ўзбекистонда демократик ислохотлар муқаррар тус олди ва ҳеч қим, ҳеч қандай куч бизни ўз танлаган йўлимиздан қайтара олмайди.

\*\*\*

Халқимиз қонун бузилишига қарши тургандагина қонун устуворлигини таъминлаш мумкин.

\*\*\*

Жамоатчилик назорати бу фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омиллардан биридир.

\*\*\*

Оммавий ахборот воситалари қонунийликни қарор топтиришда чинакам “жамият кўзгуси”га айланиши керак.

Қабул қилинаётган қонунлар ислохотларимиз билан уйғун бўлгандагина ишлайди.

\*\*\*

Қонунларни ижро этиш механизмларини аниқ тизим асосида яратиш – долзарб вазифамиздир.

\*\*\*

Хуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларимизни узлуксиз давом эттиришимиз зарур.

\*\*\*

Фуқароларнинг Конституцияда белгиланган мулк ҳуқуқи дахлсиздир ва доим давлат ҳимоясидадир.

\*\*\*

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш учун барча жабҳаларда конституциявий назоратни кучайтиришимиз зарур.

\*\*\*

Конституциямиз ҳар бир фуқаронинг онги ва қалбидан чуқур жой олган, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг тўлиқ кафолатлайдиган ҳақиқий ҳаёт қомусига айланмоғи лозим.

\*\*\*

Конституция асосий қонунимиз.

\*\*\*

Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади.

\*\*\*

Халқ қонунларга эҳтиёж сезиб, уларни пухта ўрганса, бу фақат ўзига фойда келтиради. Акс ҳолда қонундан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

\*\*\*

Халқ орасидаги ижтимоий муаммоларни кўрсатиб бераётган энг катта куч – бу мустақил ва холис оммавий ахборот воситалари вакиллари дир.

\*\*\*

Ўзбекистонда жамоатчилик назорати ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига ҳеч қандай шаклда тазйиқ ўтказишга йўл қўйилмайди.



Қанчалик мукамал конунлар яратмайлик, ислохотлар ўтказмайлик, фукароларимизнинг ҳуқуқий билими, онги ва маданияти етарли бўлмаса, кутилган натижаларга эришиш мушкулдир.

\*\*\*

Ҳуқуқни англаш масъулият ҳиссини ривожлантиради.

\*\*\*

Конституция ва конунларга ҳурмат, ҳуқуқий онг ва маданият ҳар бир фукаронинг, ҳар бир мансабдор шахснинг ҳаёт ва фаолият тарзига айланмоғи керак.

\*\*\*

Тинч ва осойишта ҳаётимизни кадрлаб, ўзаро ҳурмат ва аҳиллигимизни асраб-авайлаб, шукрона қилиб яшасак, Яратганимиз ўз неъматини халқимизга янада зиёда қилиб беради.

\*\*\*

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг кадр-қимматини эъзозлаш очик, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир.

\*\*\*

Конституциямизда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи сифатида муҳраб қўйилган.

\*\*\*

Халқ биздан рози бўлса – Яратган ҳам биздан рози бўлади.

\*\*\*

Жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантиришимиз зарур.

\*\*\*

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қиладиган идораларга айланиши лозим.

\*\*\*

Судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш биз учун энг устувор вазифадир.

\*\*\*

Адвокатура институтини такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлашни янги босқичга кўтариш зарур.

\*\*\*

## МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗНИ ЮКСАК БОСҚИЧГА КЎТАРИШ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗДИР

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ-нинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасидан ва шу мавзуга оид олинган бошқа матнлар).*

**Аждодларимиз қолдирган бой тарихий тажриба, билим ва осори-атиқалар, миллий қадриятлар ҳақиқий олтин меросдир.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Миллий ғоя – куч-қудратимиз манбаи.

\*\*\*

Маънавиятимиз муқаддас қадриятларимиздан озикланади.

\*\*\*

Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир.

\*\*\*

Маданият – бу халқимиз, жамиятимиз қиёфасидир.

\*\*\*

Халқнинг теран маънавиятисиз, ғурурисиз, юксак маданиятисиз буюк давлат қуриб бўлмайди.

\*\*\*

Маънавият – одамнинг иродасини бақувват, имон-этикодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч.

\*\*\*

Эзгу мақсадларга юксак маънавият, узлуксиз маънавий тарбия орқали эришилади.

\*\*\*

Маънавият ва маърифатни тарғиб қилиш зиёлиларнинг виждоний бурчи бўлсин!

\*\*\*

Маънавиятнинг сеҳрли кучи шундаки, у инсон қалбида эзгулик, саховат, меҳр-мурувват каби олижаноб фазилатларни уйғотади.

\*\*\*

Бизнинг анъанавий кадриятларимизни ҳозирги демократик жамиятнинг кадриятлари билан уйғунлаштириш келажакда янада раванқ топишимизнинг, жамиятимиз жаҳон ҳамжамиятига кўшилишининг гаровидир.

\*\*\*

Биз ҳамиша улуг аждодларимиз билан ифтихор қиламиз. Уларнинг хотираси ҳозир ҳам она заминимизни шарафга бурқаб турибди.

\*\*\*

Аҳоли ўртасида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, жамиятда миллий ва умуминсоний кадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтириш муҳим масаладир.

\*\*\*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ислохотларнинг, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка самарали етказиш муҳимдир.

\*\*\*

Тинчлик ва осойишталикка, мамлакатимизнинг барқарор таққийётига, кадрият ва урф-одатларга ҳамда инсонпарварлик ғояларига хавф солувчи турли таҳдидларга қарши самарали тарғибот ишларини олиб борайлик.

\*\*\*

Бола тарбиясида миллий тарбия методлари ва замонавий педагогиканинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланайлик.

\*\*\*

Маънавий тарбияни шакллантиришда оила, таълим муассасалари, маҳалла, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорликни ўрнатиш жуда муҳимдир.

\*\*\*

Аҳолининг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга йўналтирилган инновацион методларни яратиш, илмий-амалий дастурларни амалиётга жорий этиш муҳим масаладир.

\*\*\*

Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитнинг ҳолатини аниқлаш ва манзилли соғломлаштириш методикасини амалиётга татбиқ этиш муҳимдир.

## **ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИ ХАЛҚЧИЛ ТУЗИЛМАГА АЙЛАНТИРАЙЛИК**

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ-нинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан, Бирлашган Миллатлар Ташиқоти Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқидан ва “Ички ишлар органлари профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ва бошиқа маърузаларидан олинган матнлар).*

**Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш соҳасидаги ислохотларни янги босқичга кўтариш зарур.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Ички ишлар идораларини одамларимизнинг оғирини енгил қиладиган тузилмага айлантириш зарур.

\*\*\*

Ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириб, ушбу идораларни халқчил тузилмага, фуқароларнинг чинакам ҳимоячисига айлантириш зарур.

\*\*\*

Профилактика инспекторлари ёрдамчилари фуқаролар, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарғибот ишларини ўтказишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилади.

\*\*\*

Жамоат тартибини сақлаш, жиноятларга қарши курашиш фаолиятига доир аниқ мезонлар белгиланиши керак.

\*\*\*

Ички ишлар органлари учун барча даражадаги раҳбарларнинг малакасини ошириш ва мақсадли тайёрлаш тизимини ташкил этиш зарур.

\*\*\*

Тинч-осойишта ҳаётимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг қароқўлланган хавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифадир.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш муҳимдир.

\*\*\*

Ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантирайлик.

\*\*\*

Бефарқлик, лоқайдлик ҳолатларига барҳам бериш жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлашнинг асосий шартларидан биридир.

\*\*\*

Профилактика инспекторлари ёрдамчилари хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг огоҳлигини ошириш, тинчлик ва барқарорликни таъминлашда Ички ишлар органларига кўмаклашадилар.

\*\*\*

Ички ишлар ходимлари фуқаролар билан мулоқотда вазмин ва ҳушмуомала бўлиши, шахсий хавфсизликни таъминлаш қоидаларига риоя этиши, ўзининг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириб бориши лозим.

\*\*\*

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш муҳим масаладир.

\*\*\*

Вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш долзарб вазифадир.

\*\*\*

Ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг камайишига эришиб, ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ишларини ташкил этайлик.

\*\*\*

Ёшлар ўртасидаги бузғунчи таҳдидларни аниқлаш бўйича давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлайлик.

\*\*\*

Бағрикенглик ва инсонпарварликни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишидир.

Ижтимоий маънавий муҳитни соғломлаштириш, барқарорлик ва диний бағрикенглик давр талаби.

\*\*\*

Ўзбекистон учун, бугунги ва келажак авлод учун энг катта бойлик – элнинг тинчлиги ва осойишталигидир.

\*\*\*

Халқимизнинг бирлиги, жипслиги, тинч-тотувлиги бизнинг бебаҳо бойлигимиздир.

\*\*\*

Бугунги шароитда барчамиз янада сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлайлик!

\*\*\*

Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади.

\*\*\*

Экстремизм энг бузғунчи куч, унга қарши курашиш барчамизга бурч.

\*\*\*

Терроризм, экстремизм – даҳшатли офат.

\*\*\*

Миссионерлардан сақланинг доим,  
Онгни заҳарлайди бўлиб мулойим.

\*\*\*

Ёвуз кучлар халқимизни танлаган йўлидан қайтара олмайди.

\*\*\*

Ўз халқига, ўз Ватанига қўл кўтарган разил кимсаларнинг қилмишлари фош этилиши муқаррар.

\*\*\*

Ҳар кишиким бировга қозғай чоҳ,  
Тушгай ул чоҳ узра ўзи ногоҳ.

\*\*\*

Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ,  
Ёр ўлунг бир-бирингизга, ки иш эрур ёрлиғ.

\*\*\*

Эрур сен шоҳ – агар огоҳсен сен,  
Агар огоҳсен сен – шоҳсен сен.

**Алишер НАВОИЙ**

## БАҒРИКЕНГЛИК, ДЎСТЛИК ВА АҲИЛЛИК ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ

**Биз жамиятда миллатлараро тотувлик,  
диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш  
борасидаги ишларни изчил давом эттирамиз.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга бирламчи эътибор қаратилади.

**В нашей стране обращается первостепенное внимание  
укреплению обстановки взаимного уважения, дружбы и  
согласия между представителями различных национальностей  
и конфессий.**

\*\*\*

Бағрикенглик, дўстлик ва аҳиллик энг катта бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир.

**Толерантность, дружба и согласие наше самое большое бо-  
гатство и сохранять их как зеницу ока является долгом каж-  
дого из нас.**

\*\*\*

Бағрикенглик – миллатлараро муносабатларда инсон ҳуқуқлари-  
ни таъминлашнинг муҳим омили.

**Толерантность – важный фактор обеспечения прав человека  
в межнациональных отношениях.**

\*\*\*

16 ноябрь – Халқаро бағрикенглик куни.

**16 ноября – Международный день толерантности.**

\*\*\*

Ватан тараққиёти – кўп миллатли халқ меҳнати маҳсули.

**Прцветание Родины – результат труда многонациональ-  
ного народа.**

\*\*\*

Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт  
омили.

**Межнациональное согласие и религиозная толерантность – это главный фактор развития.**

\*\*\*

Кудратимиз – бирлик ва ҳамжихатликда.

**Наша сила в единстве и сплоченности.**

\*\*\*

Жаҳондаги қайси халқ тарих саҳнасида улкан ютуқ ва муваффақиятларга эришган бўлса, ўзаро аҳиллик ҳамда ҳамжихатлик туфайли эришган.

**Если какой-нибудь народ в мире добился великих достижений и успехов, то это благодаря согласию и взаимопониманию.**

\*\*\*

Ўзбекистон – дўстлик ва биродарлик улуғланган юрт.

**Узбекистан – страна, где правит дружба и братство.**

\*\*\*

Ўзбекистон – умумий уйимиз.

**Узбекистан – наш общий дом.**

\*\*\*

30 июнь – Халқаро дўстлик куни.

**30 июня – День международного дружбы.**

\*\*\*

Дўстлик ҳафталиги фестивалини кўтаринки руҳда ўтказайлик.

**Проведём недельный фестиваль дружбы в приподнятом настроении.**

\*\*\*

Биз жамиятда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни изчил давом эттирамиз.

**Мы будем последовательно продолжать действия по укреплению атмосферы межнационального согласия и религиозной толерантности в нашем обществе.**



2020-yil – “Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni  
rivojlantirish yili”

**KELAJAGI BUYUK YANGI O‘ZBEKISTONNI  
BARCHAMIZ  
BIRGALIKDA BARPO ETAMIZ**

*(O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat MIRZIYOYEVning  
2020-yil 24-yanvardagi Oliy Majlisga Murojaatnomasidan olingan  
matnlar).*

**Xalqimiz shuni yaxshi bilishi kerak: oldimizda uzoq va  
mashaqqatli yo‘l turibdi. Barchamiz jiplashib, tinimsiz o‘qib-  
o‘rgansak, ishimizni mukammal va unumli bajarsak, zamonaviy  
bilimlarni egallab, o‘zimizni ayamadan oldinga intilsak, albatta,  
hayotimiz va jamiyatimiz o‘zgaradi.**

**Shavkat MIRZIYOYEV**

Yurtimizdagi islohotlar va o‘zgarishlar jarayoni ortga qaytmaydigan  
tus olib, hal qiluvchi pallaga kirmoqda.

\*\*\*

Barcha amallar niyatga qarab bo‘ladi.

\*\*\*

Pok niyatlilar bilan boshlangan xayrli ishlar, albatta, ijobat bo‘ladi.

\*\*\*

Biz – hech qachon mehnatdan qochmaydigan, qiyinchilikdan  
qo‘rqmaydigan, adolatni qadrlaydigan, azmu shijoatli, buyuk xalqimiz.

\*\*\*

Demokratik islohotlar yo‘li – biz uchun yakka-yu yagona va eng  
to‘g‘ri yo‘ldir.

\*\*\*

Yangi parlament va hukumatning kelgusi 5 yildagi faoliyatining  
pirovard maqsadi – O‘zbekistonda yashayotgan ko‘pmillatli xalqimiz  
hayotini yuksaltirishdan iborat bo‘lishi shart.

\*\*\*

Joriy yilda – raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo‘yicha tub burilish  
qilishimiz kerak.

Aholi farovonligini oshirish va uning ijtimoiy himoyasini kuchaytirish bosh vazifalarimizdan biridir.

\*\*\*

Jadal islohotlar, ilm-ma'rifat va innovatsiya bilan O'zbekistonni rivojlangan mamlakatga aylantira olamiz.

\*\*\*

Iqtisodiy yuksalishni ta'minlash uchun barcha qulayliklarga ega bo'lgan zamonaviy infratuzilma barpo etish zarur.

\*\*\*

Taraqqiyotga erishish uchun raqamli bilimlar va zamonaviy axborot texnologiyalarni egallashimiz zarur va shart.

\*\*\*

Raqamli bilimlar va zamonaviy axborot texnologiyalari – yuksalishning eng qisqa yo'lidan borish imkoniyatini beradi.

\*\*\*

Bank sohasida raqamli texnologiyalarni qo'llash tizimni rivojlantirishda juda muhimdir.

\*\*\*

Raqamli iqtisodiyotga faol o'tish kelgusi 5 yildagi eng ustuvor vazifalarimizdan biridir.

\*\*\*

Raqamli texnologiyalar nafaqat mahsulot va xizmatlar sifatini oshiradi, ortiqcha xarajatlarni kamaytiradi.

\*\*\*

Korrupsiya balosini yo'qotishda raqamli iqtisodiyot samarali vositadir.

\*\*\*

Davlat va jamiyat boshqaruvi, ijtimoiy sohada raqamli texnologiyalarni keng joriy etish natijadorlikni oshirib, odamlar turmushini keskin yaxshilaydi.

\*\*\*

Xalqimiz bilimi va saviyasini oshirish uchun, avvalo, ilm-ma'rifat, yuksak ma'naviyat kerak.

\*\*\*

Zamonaviy bilimlarni o'zlashtirish, chinakam ma'rifat va yuksak madaniyat egasi bo'lish uzluksiz hayotiy ehtiyojga aylanishi kerak.

Ilm yo‘q joyda qoloqlik, jaholat va albatta, to‘g‘ri yo‘ldan adashish bo‘ladi.

\*\*\*

Sharq donishmandlari aytganidek, “Eng katta boylik – bu aql-zakovat va ilm, eng katta meros – bu yaxshi tarbiya, eng katta qashshoqlik – bu bilimsizlikdir!”

\*\*\*

Ta’limning barcha bosqichlarida xalqaro andozalarga to‘liq javob beradigan axborot texnologiyalari joriy etilishi shart.

\*\*\*

Budjet mablag‘larining maqsadli va oqilona sarflanishi ustidan nazoratni yanada kuchaytirish zarur.

\*\*\*

Iste’mol bozorida oziq-ovqat mahsulotlari narxi barqarorligini ta’minlashning yagona yo‘li – meva-sabzavot, chorvachilik va boshqa oziq-ovqat mahsulotlari yetishtirish hajmini ko‘paytirish hamda “daladan do‘kongacha” bo‘lgan uzluksiz zanjirni yaratishdir.

\*\*\*

Islahotlarimizga jiddiy to‘sqinlik qilayotgan “yashirin iqtisodiyot”ga barham berilmas ekan, sog‘lom raqobat ham, qulay investitsiya muhiti ham shakllanmaydi.

\*\*\*

Makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlash va inflatsiyani jilovlash – iqtisodiy islohotlar jarayonidagi bosh vazifamizdir.

\*\*\*

Asosiy e’tibor narxlarni belgilashga emas, balki korxonalar o‘rtasida sog‘lom raqobatni ta’minlash orqali narxlarni pasaytirishga va sifatini oshirishga qaratilishi kerak.

\*\*\*

Investitsiya jalb etishning samarali vositalaridan biri bo‘lgan davlat-xususiy sherikchilik mexanizmlarini transport, energetika, yo‘l, kommunal, tibbiyot, ta’lim kabi sohalarga tatbiq etish kerak.

\*\*\*

Iqtisodiyotni yuqori sur‘atlar bilan rivojlantirish uchun faol investitsiya siyosatini izchil davom ettirish zarur.

\*\*\*

Jamiyat – islohotlar tashabbuskori.

\*\*\*

Barcha darajadagi rahbarlar erishilgan dastlabki ijobiy ko'rsatkichlarga mahliyo bo'lib, xotirjamlikka aslo berilmasligi kerak.

\*\*\*

Bugun xalqimizning tafakkuri ham, dunyoqarashi ham, talab va ehtiyoji ham butunlay o'zgargan, xalqimiz hammadan ziyrak va ulug'dir.

\*\*\*

Xalq davlat organlariga emas, balki davlat organlari xalqqa xizmat qilishi kerak.

\*\*\*

Har bir deputat o'z hududidagi aholi muammolarini yechishda faol ishtirok etishi, odamlarning dard-u tashvishlarini tinglashi kerak.

\*\*\*

Tashabbuskor islohotchi, strategik fikr yuritadigan bilimli va malakali yangi avlod kadrlarini tarbiyalash muhim vazifamizdir.

\*\*\*

Maqsadimiz – ilm-fanni yanada ravnaq toptirish, yoshlarni chuqur bilim, yuksak ma'naviyat va madaniyat egasi etib tarbiyalash, raqobatbardosh iqtisodiyotni shakllantirish borasidagi boshlagan ishlarimizni jadal davom ettirish va yangi, zamonaviy bosqichga ko'tarishdir.

\*\*\*

Pedagogik mahorat va malaka darajasiga ega bo'lgan, o'z ishida aniq natijalarga erishgan o'qituvchilarni har tomonlama qo'llab-quvvatlaymiz.

\*\*\*

Maktab o'quv dasturlarini ilg'or xorijiy tajriba asosida takomillashtirish, o'quv yuklamalari va fanlarni qayta ko'rib chiqish, ularni xalqaro standartlarga moslashtirish, darslik va adabiyotlar sifatini oshirish zarur.

\*\*\*

Ilmli bo'laman degan, yuragida o'ti bor, jo'shqin yoshlarimizning tahsil olishi uchun hamma qulayliklarni yaratishimiz shart.

\*\*\*

Ilm-fan sohasida fundamental va innovatsion tadqiqotlar uchun maqsadli grant mablag‘larini ajratish mexanizmini tubdan qayta ko‘rib chiqish kerak.

\*\*\*

Har bir oliy ta‘lim va ilmiy tadqiqot dargohi nufuzli chet el universitetlari va ilmiy markazlari bilan hamkorlikni yo‘lga qo‘yishi shart.

\*\*\*

Joriy yilda matematika, kimyo-biologiya, geologiya yo‘nalishlarida fundamental va amaliy tadqiqotlarni faollashtirishga, olimlarga barcha shart-sharoitlar yaratib beriladi.

\*\*\*

Hozirgi vaqtda qurilish sohasi – iqtisodiyotning muhim “drayver”laridan biriga aylandi.

\*\*\*

Bank tizimida tadbirkorlarni qo‘llab-quvvatlaydigan “loyihalar fabrikasi” faoliyatini yo‘lga qo‘yishimiz lozim.

\*\*\*

Banklarimiz xalqaro moliya bozorlariga chiqib, arzon va uzoq muddatli resurslar olib kelishi zarur.

\*\*\*

Bank sohasidagi islohotlarning asosiy maqsadi – tijorat banklarini mijoz uchun ishlashga o‘rgatishdan iborat.

\*\*\*

Banklarda axborot texnologiyalarini keng tatbiq etish orqali ularning dasturiy ta‘minotini tubdan yangilash lozim.

\*\*\*

Aholida bank tizimiga nisbatan ishonchni shakllantirish va banklar faoliyatiga chetdan aralashishga chek qo‘yish kerak.

\*\*\*

Raqobatbardosh mahsulotlar ishlab chiqarish, ular uchun yangi xalqaro bozorlar topish va eksportni ko‘paytirish, tranzit salohiyatidan to‘liq foydalanish – barqaror iqtisodiy o‘shishning eng muhim garovidir.

\*\*\*

Xorijiy tajribadan kelib chiqib, bojxona postlarida nazoratni amalga oshiradigan bojxona, sanitariya, karantin, veterinariya va boshqa idoralar faoliyatini isloh qilish muhimdir.

Transport logistika sohasini rivojlantirish mahsulotlarimizni ichki va tashqi bozorlarga yetkazish, ularning tannarxini tushirishga xizmat qiladi.

\*\*\*

Aholi daromadlarini oshirish, qo‘shimcha ish o‘rinlarini yaratish, mahsulot ishlab chiqarishni ko‘paytirish uchun bizga yangi-yangi bozorlar kerak.

\*\*\*

Jahon ishlab chiqarish tizimiga, dunyo bozor talablariga va iqtisodiy integratsiya jarayonlariga hamohang bo‘lishimiz kerak.

\*\*\*

Sanoat tarmoqlarini uzluksiz xomashyo va zamonaviy infratuzilma bilan ta‘minlash zarur.

\*\*\*

Biznes muhitini yanada yaxshilash – biz uchun eng muhim masalalardan biri bo‘lib qoladi.

\*\*\*

Litsenziyalash va ruxsatnomalar berish tartiblarini jiddiy o‘zgartirish tadbirkorlik faoliyati rivojlanish omilidir.

\*\*\*

Iqtisodiyotimiz rivojini, aholi bandligi va daromadlarini o‘shirishni ta‘minlaydigan eng muhim sohalardan biri bo‘lgan qishloq xo‘jaligini strategik yondashuvlar asosida taraqqiy ettirish zarur.

\*\*\*

Qishloq xo‘jaligiga bozor mexanizmlarini keng joriy etib, fermer va dehqonlar manfaatdorligi oshirilgandagina biz kutgan o‘zgarishlar bo‘ladi.

\*\*\*

Paxta va g‘alla yetishtirishga davlat buyurtmasini bekor qilib, ushbu mahsulotlarni bozor tamoyillarj asosida xarid qilish tizimiga o‘tish zarur.

\*\*\*

Meva-sabzavot, sholichilik, chorvachilik, ipakchilik kabi tarmoqlarda klasterlarni tashkil etishni davom ettirish muhim vazifamizdir.

\*\*\*

Turizmni iqtisodiyotning strategik tarmog‘iga aylantirish ustuvor vazifa bo‘lib qoladi.

Hukumat oldidagi eng muhim vazifalardan biri yurtimizga keladigan turistlar sonini yetti yarim millionga yetkazishdir.

\*\*\*

Katta salohiyatga ega bo'lgan ziyorat va tibbiyot turizmini jadal rivojlantirish zarur.

\*\*\*

Urbanizatsiya jarayonlarini jadallashtirgan holda, hududlarni kompleks rivojlantirish, aholi uchun munosib turmush sharoitini yaratish kerak.

\*\*\*

Vatan ichra har bir inson o'zining "kichik vatani"ga – uy-joyiga ega bo'lsa, bizdan xalqimiz ham, Yaratgan ham rozi bo'ladi.

\*\*\*

Inson manfaatlari hamma narsadan ustun tamoyili asosida xalqimiz hayotini tubdan yaxshilash bo'yicha olib borilayotgan keng ko'lamli ijtimoiy islohotlar davom ettirilaveradi.

\*\*\*

Ijtimoiy muammolarni hal etishga oid tadbirkorlik tashabbuslarini, ayniqsa, yoshlar va ayollar tadbirkorligini qo'llab-quvvatlashga ustuvor ahamiyat berish zarur.

\*\*\*

Yangi ish o'rinlarini yaratadigan tadbirkorlarni har tomonlama qo'llab-quvvatlashimiz, ta'bir joiz bo'lsa, ularni yelkamizda ko'tarishimiz kerak.

\*\*\*

Har bir tarmoq, soha, viloyat va tumanda yaratilgan tadbirkorlik subyektlari va yangi ish o'rinlari ana shu tuzilmalar rahbarlari faoliyatini baholashda eng asosiy mezon bo'ladi.

\*\*\*

Mehribonlik uylarida tarbiyalanayotgan farzandlarimiz ularning g'amxo'ri, mehriboni, ortidagi suyanchi davlat va jamiyat ekanini doimo qalbdan his qilib turishi shart.

\*\*\*

Sog'liqni saqlash tizimini rivojlantirish tibbiy xizmat sifatini oshirish bo'yicha islohotlarimizni ham qat'iyat bilan davom ettiramiz.

\*\*\*

Davlat-xususiy sheriklik asosida, xususiy tibbiyotni yanada rivojlantirish, ixtisoslashgan tibbiyot markazlariga xorijiy investorlarni jalb etish muhim vazifamizdir.

\*\*\*

Bu yil xotin-qizlar va yoshlarni qo'llab-quvvatlash borasidagi ishlarni yangi bosqichga ko'taramiz.

\*\*\*

O'z bolangizni, o'z uyingizni, o'z vataningizni ko'z qorachig'idek asrang.

\*\*\*

“Milliy tiklanishdan – milliy yuksalish sari” g'oyasi asosida yoshlarni ona yurtga sadoqat ruhida tarbiyalash, ularda tashabbuskorlik, fidoyilik, axloqiy fazilatlarini shakllantirish – o'ta sharafli vazifadir.

\*\*\*

Jamiyatimizda aholi, ayniqsa, yosh yigit-qizlarimizning ma'naviy va ma'rifiy saviyasini doimiy yuksaltirish – birinchi darajali ahamiyatga egadir.

\*\*\*

Aholi o'rtasida sog'lom turmush tarzini keng qaror toptirish kerak.

\*\*\*

Atrof-muhitni muhofaza qilish va ekologik holatni yaxshilashga e'tiborni kuchaytirishimiz kerak.

\*\*\*

Madaniyat va san'at muassasalariga alohida e'tibor qaratish, ularning moddiy-texnik bazasini mustahkamlash muhim vazifadir.

\*\*\*

Biz jadidchilik harakati, ma'rifatparvar bobolarimiz merosini chuqur o'rganishimiz kerak.

\*\*\*

Ma'rifatparvar bobolarimizning ma'naviy xazinasini qancha ko'p o'rgansak, qancha faol targ'ib etsak, xalqimiz, ayniqsa, yoshlarimiz bugungi tinch va erkin hayotning qadrini anglab yetadi.

\*\*\*

Har tomonlama mukammal va samarali boshqaruv tizimini yaratish – oldimizda turgan ulkan vazifalarni bajarishning asosiy shartidir.

\*\*\*



Joylarda ijro va vakillik organlarining davlat boshqaruvidagi roli va mas'uliyatini yanada oshirish zarur.

\*\*\*

Bugungi kunda islohotlarimiz samarasi to'rtta muhim omilga – ya'ni qonun ustuvorligini ta'minlash, korrupsiyaga qarshi qat'iy kurashish, institutsional salohiyatni yuksaltirish va kuchli demokratik institutlarni shakllantirishga bog'liqdir.

\*\*\*

Sud ostonasiga qadam qo'ygan har bir inson O'zbekistonda adolat xukm surayotganiga to'la ishonch hosil qilishi kerak.

\*\*\*

Buyuk nemis faylasufi Immanuel Kant aytganidek, "Adolat yo'qolgan paytda hayotning qadrini belgilaydigan boshqa hech narsa qolmaydi".

\*\*\*

O'zbekistonda sudyalar qonunlarning tolmas himoyachilari, adolatning mustahkam ustunlari bo'lishi lozim.

\*\*\*

Sud mustaqilligini ta'minlash eng muhim vazifalarimizdan biridir.

\*\*\*

Sudyalarimizning adolatni va qonun ustuvorligini ta'minlash borasida oqlov hukmlarini chiqarayotgani sud-huquq sohasidagi eng katta yutug'imizdir.

\*\*\*

Jamiyatimizdagi korrupsiya illati, uning turli ko'rinishlari taraqqiyotimizga g'ov bo'lmoqda.

\*\*\*

Korrupsiyaning oqibatlari bilan kurashishdan uning barvaqt oldini olishga o'tishimiz kerak.

\*\*\*

Korrupsiya balosining oldini olmasak, haqiqiy ishbilarmonlik va investitsiya muhitini yaratib bo'lmaydi, umuman, jamiyatning birorta tarmog'i rivojlanmaydi.

\*\*\*

Korrupsiyaga qarshi kurashishda aholining barcha qatlamlari, eng yaxshi mutaxassislar jalb qilinmas ekan, jamiyatimizning barcha a'zolari ta'bir joiz bo'lsa, "halollik vaksinasi" bilan emlanmas ekan, o'z oldimizga qo'ygan yuksak marralarga erisha olmaymiz.

\*\*\*

Fuqarolik masalalariga oid qonunchilikni takomillashtirish orqali inson huquqlarini ta'minlash borasida navbatdagi muhim qadam qo'yish zarurligini hayotning o'zi taqozo etmoqda.

\*\*\*

Olis va yaqindagi barcha davlatlar bilan hamkorlik aloqalarini, uzoq muddatli va ko'p qirrali sheriklikni yanada kuchaytiramiz.

\*\*\*

Markaziy Osiyo mintaqasidagi mamlakatlar bilan barcha sohalarda o'zaro do'stlik, yaxshi qo'shnichilik va strategik sheriklik ruhidagi munosabatlarni mazmun va sifat jihatdan yangi bosqichga olib chiqishimiz zarur.

\*\*\*

Shanxay Hamkorlik Tashkiloti bilan munosabatlarni rivojlantirish – O'zbekiston tashqi siyosatining muhim yo'nalishi bo'lib qoladi.

\*\*\*

Mustaqil Davlatlar Hamdo'stligi va Shanxay Hamkorlik Tashkiloti doirasida faoliyatimiz samarasini yanada oshirishimiz zarur.

\*\*\*

Natijadorlik – hammamiz uchun bosh talab, asosiy mezonga aylanmoqda.

\*\*\*

Amaliy natija bilan mustahkamlangan, o'z mevasi, hosilini berayotgan islohot odamlarning qalbiga, yuragiga tez kirib boradi.

\*\*\*

Mamlakatimizdagi islohotlarning shiddatli jarayonini hech kim, hech qanday kuch to'xtata olmaydi.

\*\*\*

Islohotlarimiz samarasini har bir inson, har bir oila o'z hayotida his etishi kerak.

\*\*\*

Biz buyuk tarix, buyuk davlat, buyuk madaniyat yaratgan xalqimiz.

\*\*\*

Odamlarimiz yetarli daromad topishi uchun eng qulay biznes va investitsiya muhitini shakllantirib, yangi-yangi korxonalar va ish joylarini ko'paytirishimiz zarur.

\*\*\*

Endi kechagi yutuq va marralar bizni sira qoniqtirmaydi. Nega deganda, bugungi O'zbekiston kechagi O'zbekiston emas. Bugungi xalqimiz ham kechagi xalq emas.

\*\*\*

Joylardagi muammo va kamchiliklarni ro'y-rost ochib berish, ularni haqqoniy yoritishlarida men professional jurnalistlarni hamisha va har tomonlama qo'llab-quvvatlashga tayyorman.

\*\*\*

Kambag'allikni kamaytirish xalqimiz hayot darajasini oshirishning eng maqbul yo'lidir.

\*\*\*

Kambag'allikni kamaytirish – bu alohida tadbirkorlik ruhini uyg'otish, insonning ichki-quvvati va salohiyatini to'liq ro'yobga chiqarish, yangi ish o'rinlari yaratish bo'yicha kompleks iqtisodiy va ijtimoiy siyosatni amalga oshirish, demakdir.

\*\*\*

O'z Vatanini, ona xalqini ravnaq toptirish uchun o'zini ayamadan mehnat qilish: bu – jasorat va mardlik, bu – ona yurtga muhabbat va sadoqat, bu – to'g'ri tarbiya va amaliy namuna demakdir.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.Мирзиёев. Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
2. Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлигимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
3. Ш.Мирзиёев. Халкимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”, 2020 йил 25 январь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Илм, фан ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”га оид давлат дастури тўғрисида. “Халқ сўзи”, 2020 йил 3 март.
6. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ва Ватан химоячилари куни муносабати билан байрам табриги. “Халқ сўзи”, 2020 йил 15 январь.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрамига бағишланган учрашувдаги нутқи. “Халқ сўзи”, 2019 йил 8 март.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Наврўз” умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи, 2019 йил 22 март.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Рамазон ҳайити табриги. “Халқ сўзи”, 2019 йил 5 июнь.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Қурбон ҳайити табриги. “Халқ сўзи”, 2019 йил 10 август.
11. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. “Халқ сўзи”, 2019 йил 1 сентябрь.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табриги. “Халқ сўзи”, 2019 йил 29 сентябрь.
13. Миллий ўзлимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. “Халқ сўзи”, 2019 йил 22 октябрь.
14. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик

давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма етти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2019 йил 7 декабрь.

15. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро мақом санъати анжуманининг очилиш маросимдаги нутқи. 2018 йил 6 сентябрь.

16. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилашиш сари. – Т.: Ғ.Ғулом НМИУ, 2017.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Ички ишлар органлари профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида.

18. И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.

19. Амир Темур ўғитлари. – Т.: “Наврўз”, 1992.

20. Алишер Навоий. Ҳикматлар. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2011.

21. Машриқ замин – ҳикмат бўстони. – Т.: “Шарқ” НМАК, 1997.

22. Тафаккур гулшани. – Т.: Ғ.Ғулом НМИУ, 1989.

23. Оз-оз ўрганиб, доно бўлур. – Т.: Ғ.Ғулом НМИУ, 1988.

24. “Шарқ хикоят ва ривоятлари”. – Т.: “Шарқ” НМАК, 2015.

25. А.Мансур. Куръони карим маънолари таржима ва тафсири. – Т.: ТИУ матбаа бирлашмаси, 2009.

26. Имом Бухорий. Ал-Адаб ал-Муфрад. – Т.: ТИУ матбаа бирлашмаси, 2008.

27. Ўзбек халқ мақоллари. – Т.: “Шарқ” НМАК, 2014.

28. Ҳикматлар шодаси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2013.

29. Ҳикматлар шодаси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016.

30. Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. – Т.: “Фан” нашриёти. 1999.

31. Имом ал-Бухорий муҳаддислар султони. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 1998.

32. М.А.Раҳматов, Б.З.Зарипов. Билимсизлик – инсоният учун энг қоронғу тундир. Конфуций ҳикматлари. – Т.: “Zamin nashr”, 2019.

33. М.А.Раҳматов, Б.З.Зарипов. Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. – Т.: “Zamin nashr”, 2018.

34. М.А.Раҳматов, Б.З.Зарипов. Истеъдодли инсонлар мамлакатнинг бебаҳо бойлигидир. – Т.: “Zamin nashr”, 2019.

35. Ўтқир Раҳмат. Хоксор майса. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2010.

36. Маънавиятимизга таҳдид – келажакка таҳдид. – Т.: “Nishon-Noshir”, 2011.

37. С.С.Гулямов, Р.Х.Аюпов, О.М.Абдуллаев, Г.Р.Балтабаева. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари. Ўқув қўлланма. – Т.: 2019.
38. Ҳомий ва шифокор – элу юртга мадаккор (тавсиянома). – Т.: 2006.
39. Кучли ижтимоий ҳимоя – тараққиёт гарови (тавсиянома). – Т.: 2007.
40. Ёшлар – элу юрт таянчи (тавсиянома). – Т.: 2008.
41. Қишлоқ камоли – эл-юрт жамоли (тавсиянома). – Т.: 2009.
42. Баркамол авлод – тараққиёт пойдевори (тавсиянома). – Т.: 2010.
43. Тадбиркор – элга мадаккор (тавсиянома). – Т.: 2011.
44. Мустаҳкам оила – жамият пойдевори (тавсиялар). – Т.: 2012.
45. Ободлик кўнгилдан бошланади (тавсиялар). – Т.: 2013.
46. Соғлом бола – ёруғ келажагимиз (тавсиялар). – Т.: 2014.
47. Кексаларни эъзозлаб, дуосини олайлик (тавсиялар). – Т.: 2015.
48. Соғлом она ва бола – буюк келажагимиз пойдевори (тавсиялар). – Т.: 2016.
49. Инсон манфаатлари – ҳамма нарсадан устун (тавсиялар). – Т.: 2017.
50. Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологиялар – тараққиёт пойдевори (тавсиялар). – Т.: 2018.
51. Тараққиёт йўлимизнинг шиддати ошаверади (тавсиялар). – Т.: 2019.

## Мундарижа

ИНСОНИЯТ ОЛИЖАНОБ ҒОЯЛАР БИЛАН ЯШАЙДИ.....	3
ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ВОСИТА .....	5
КЕЛАЖАГИ БУЮК ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРЧАМИЗ БИРГАЛИҚДА БАРПО ЭТАМИЗ .....	9
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ НИМА?.....	20
ХАЛҚ ВА АРМИЯ – БИР ТАНУ БИР ЖОНДИР .....	23
ОЛАМДА АЁЛ МАДҲИГА ДОСТОН ТУГАМАЙДИ.....	26
НАВРЎЗИНГ – ЯНГИ КУН, ЯНГИ ДАВРОНИНГ МУБОРАҚ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ! .....	30
АЖДОДЛАРИМИЗ ЖАСОРАТИ – МАНГУ БАРҲАЁТ .....	32
МАҲАЛЛА – ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК МАРКАЗИ.....	35
МАЪРИФАТЛИ ЁШЛАР – ЮРТ КЎЗГУСИ.....	40
КЛАСТЕР – ИЛМГА АСОСЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ.....	46
МАҚОМ САНЪАТИ БЕБАҲО БАДИИЙ ҚОМУСДИР.....	48
ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН! .....	50
СПОРТЧИ ЁШЛАР, БИЛИМЛИ АВЛОД, ТИББИЁТ СОҲАСИ, ОРОЛ ТАҚДИРИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ОИД МАТНЛАР .....	53
БОЗОРЛАР ҲУДУДЛАРИДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ШИОРЛАР УЧУН МАТНЛАР .....	57
ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИДИР .....	58
ЎЗБЕК ТИЛИ – МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ БИТМАС-ТУГАНМАС БУЛОҒИ.....	60
ДИЛИНГ АЛЛОҲДА-ҚЎЛИНГ МЕҲНАТДА БЎЛСИН! .....	64

ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙНИНГ 1150 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН МАТНЛАР .....	66
БУЮК АЛЛОМА БАҲОУДДИН НАҚШБАНДИЙНИНГ 700 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН МАТНЛАР .....	66
ИМОМ БУХОРИЙГА БАҒИШЛАНГАН ВА УНИНГ “АЛ-ЖОМЕЪ АС-САҲИҲ” КИТОБИДАН МАТНЛАР .....	67
АБУ МУИН НАСАФИЙГА БАҒИШЛАНГАН МАТНЛАР .....	67
МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙНИНГ 145 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН МАТНЛАР .....	68
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД ТАВАЛЛУДИНИНГ 565 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН МАТНЛАР .....	69
КОНСТИТУЦИЯ ОЗОД ВА ЭРКИН ҲАЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ .....	70
МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗНИ ЮКСАК БОСҚИЧГА КЎТАРИШ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗДИР .....	73
ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИ ХАЛҚЧИЛ ТУЗИЛМАГА АЙЛАНТИРАЙЛИК .....	75
БАҒРИКЕНГЛИК, ДЎСТЛИК ВА АҲИЛЛИК ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ .....	78
KELAJAGI BUYUK YANGI O‘ZBEKISTONNI VARCHAMIZ BIRGALIKDA VARPO ETAMIZ.....	80
Фойдаланилган адабиётлар.....	91



**Ўзбекистон Республикаси**  
**“Тасвирий ойна”**  
**ижодий уюшмаси**


**ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ**  
**ИҚТИСОДИЁТ – ПОРЛОҚ**  
**КЕЛАЖАГИМИЗ**

Мухаррир	Иззатилла АҲМЕДОВ
Тех. муҳаррир	Муҳаббат ШЕРБЎТАЕВА
Компьютерда терувчи	Гулзода НАЗИРОВА
Саҳифаловчи	Ахрор АСРОРОВ
Дизайнер	Фаррух ШОДМОНОВ

Наш. лиц. АИ № 015 20.07.2018 йил.  
Босишга рухсат этилди. 09.03.2020 й. Бичими 60x84<sup>1/16</sup>  
“Times New Roman” гарнитураси.  
Шартли босма табағи 6. Нашр табағи 2,5.  
Адади 10 000. Буюртма № 2019-03.

Оригинал-макет “Zamin Nashr” МЧЖ  
нашриётида тайёрланди ва  
“Credo Print” МЧЖ китоб фабрикасида чоп этилди.  
100053, Тошкент шаҳар, Боғишамол кўчаси, 160-уй.  
E-mail: zamin.nashr@gmail.com

IT PARK RAQAMLI IKTISODIETNI RIVOJLANTIRISHGA UTIISHDA  
KADRLAR TAYERLASHGA XIZMAT QILADI. U KOMPYUTERLAR  
VA AXBOROT - KOMMUNIKACIYA TEXNOLOGIYALARI BILIMLARIGA  
ASOSLANGAN HOLDA JAMIYAT VA IKTISODIETNI YANGI TURINI  
BARPO ETIB, XAETIMIZDA TUB BURILISH YILI BULISHIGA CHORLAYDI



ISBN 978-9943-5894-1-4



9 789943 589414

